Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 102 (20. 969) 1991 йил 30 май, пайшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

СССР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

● 28 май кунн СССР Вазирлар Маҳкамасиннинг В. С. Павлов раислигида ўтган мажлисида Ўзбекистон ССРнинг кўпгина жойларида юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов зарар кўрган жойлардаги вазият ва республика ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Ўзбекистон ССРга, жабрланган аҳолига моддий-техникавий, молиявий ва озиқ-овқат билан зарур ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Табиий офатдан зарар кўрган иншоотларда қурилиш ва тузатиш-тиклаш ишларини олиб бориш учун тармоқларга пул маблағи, капитал маблағ ва моддий-техника ресурслари ажратиш кўзда тутилди. Аҳолига бинокорлик материаллари, санитария-техника буюмлари ва бошқа ускуналар сотиш кўпаяди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммолари кўриб чиқилди. Қўшимча равишда гўшт ва сут маҳсулотлари, ун, қанд-шакар, болалар овқатлари ва бошқа халқ истеъмол моллари етказиб беришга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССРдаги жамоа ва давлат хўжаликларига, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларига кўрган зарарлари ўрнини қоплаш учун қўшимча суғурта маблағлари ажратилди. Аҳолига, ижарачиларга, шахсий томорқа хўжаликларининг эгаларига бир йўла тўланадиган моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда нобуд бўлган экинлар ва вайрон бўлган бинолар учун улар кўрган зарар ўрнини қоплаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бошқа масалалар билан бир қаторда Орол муаммолари юзасидан ҳукумат дастурини ишлаб чиқишни тезлаштириш, бунда Оролбўйи аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш ишларини биринчи навбатда амалга ошириш лозим бўлган тадбирлар деб ҳисоблаш зарурлиги таъкидланди.

Жумҳуриятимизда

СУРХОНДАРЁ ПИЛЛАКОРЛАРИНИИГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сурхондарё пиллачилари Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларидаги ҳамкасбларидан ўзиб, шу йилги режани бажардилар. Вилоят қабул пунктларига 1345 тонна — давлат буюртмасида белгиланганидан 15 тонна кўп пилла топширилди. Оилавий звеноларнинг пухта ишлаши муваффақиятга ёрдам берди. Ҳозир уларга қуртларни боқиш, агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш топширилган. Бу йилги баҳорнинг оғир шароитида кўпгина звеноларнинг ҳар қути уруғдан 90—100 килограмм ва ундан ҳам кўп пилла олдилар, деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири.

Қурт боқиш давом этмоқда. Умуман вилоятда режа бажариб бўлинганидан кейин қурт боқиш кечроқ бошланган Бойсун ва Сариосиё районларининг тоғли зоналари хўжаликлари пилла топширишга киришди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, яна камида 155 тонна пилла топширилади.

Тошкент вилояти. Тошкент районидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигида 55 гектар экин майдони аҳолига томорқа учун ажратиб берилди. Ерлар асосан ёшларга, шунингдек кўп болали оилаларга ҳамда меҳнат фахрийларига бўлиб берилганлиги қувончлидир. Бундан ташқари қишлоқ кишилари 8 сотих майдонда озуқа экинлари етиштиришларига имкон яратилди. Деҳқон хўжаликлари ҳам пайдо бўлди. Шу туфайли хўжаликда кичик фермалар сони кўпаймоқда. Суратларда: 1. Фермер М. Пўлатов ўғиллари Баҳодир ва Бахтиёр билан. 2. Жамоа хўжалиги аъзоси Саъдулла Раҳматхўжаев ўз томорқасида. Унга отаси Асадулла Раҳматхўжаев ёрдамлашмоқда.

А. ГОРОКРИК туширган суратлар (ЎзТАГ).

Иттифоқимизда

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КЎКЧАТОВДА БЎЛИШИ

КЎКЧАТОВ (Қозоғистон ССР), 29 май. (ҚозТАГ—ТАСС махсус мухбирлари) СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев кеча бу ерга келди.

Аэропортда уни Қозоғистон ССР Президенти, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Н. А. Назарбоев, Қозоғистон ССР Олий Кенгашининг Раиси Е. М. Асанбоев, Қозоғистон ССР Бош вазири У. Қ. Қараманов, халқ депутатлари Кўкчатов вилоят Советининг раиси, Қозоғистон Компартияси вилоят комитетининг биринчи котиби Ч. М. Абутолипов, жумҳурият, вилоят ва шаҳарнинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Миллий кийимларни кийган қизлар М. С. Горбачевга анъанавий нон ва туз тутдилар.

Кўкчатовликлар аэропортдан келадиган йўлда меҳмонни самимий қутладилар. Тўхталган пайтларда улар Президентга Иттифоқ шартномасини тайёрлаш қандай бораётгани, мамлакатдаги аҳвол, иқтисодий тангликдан чиқиш йўллари ҳақида саволлар бердилар, ўз ишлари ҳақида гапирдилар.

М. С. Горбачев журналистларнинг Қозоғистонга келиш сабаблари тўғрисидаги саволларига жавоб қайтариб, жумҳуриятга ташриф буюриш тўғрисида анча аввал берган ваъдасини бажараётганлигини айтди. Мамлакат иқтисодиётида Қозоғистон катта ўрин тутади. Республика меҳнаткашлари кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш учун кўп иш қилмоқдалар.

СССР Президенти В. И. Ленин номли майдонда Совет давлати асосчиси ёдгорлиги пойига гуллар қўйди. Шу ерда Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари билан учрашув бўлди.

М. С. Горбачев жумҳуриятдаги энг катта магазинлардан бири — «Синегорье» кооператив магазинини кириб кўрди. Унинг савдо майдони 570 квадрат метр бўлиб, йиллик чакана товар оборoти ҳажми 4,5 миллион сўмдан ошади.

Магазин пештахталарида хилма-хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бор. Москвалик синчков меҳмонлар дудланган колбасанинг тўққиз нави, қайнатиб тайёрланган колбасанинг ҳам шунча тури борлигини санаб чиқдилар. Пештахталарда бошқа маҳсулотлар ҳам етарли. Улар кооператив нархларда сотилмоқда.

Бу мўл-кўллик Президент келиши шарафигами? — деб сўрадик харидорлардан.

— Йўқ. Бизда савдо яхши йўлга қўйилган. Нимани етиштирсак, ҳаммаси пештахталарда бор.

Кўкчатов вилояти жумҳуриятнинг қўриқ ерларда энг барқарор ҳосил олаётган асосий ғаллакор вилоятларидан биридир. Вилоят иқтисодиёти гўшт ва сут чорвачилиги ҳисобига ривожланмоқда.

Жомонтус район махсус хўжаликлари бирлашмаси бунга яхши мисол бўлади. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили бу ерда 707 тонна гўшт тайёрланди, соф фойда салкам 1,3 миллион сўмни ташкил этди.

Бу ерга М. С. Горбачев куннинг иккинчи ярмида келди. У ижарачи жамоа бригадири Н. В. Моисеевнинг оиласида бўлди. Н. В. Моисеевнинг ва хўжаликдаги ишчилар ҳамда мутахассисларнинг яна 26 оиласи кенг ва шинам уйларда яшамоқда. Вақти келиб қишлоқ аҳлининг ҳаммаси ана шундай уйларда яшайди.

СССР Президенти бригадир билан суҳбатда ижарачи жамоадаги ишларнинг аҳволи билан қизиқди. У қишлоқ аҳли қўллаётган хўжалик юритишнинг янги шаклини маъқуллади.

Уларнинг иши яхши бормоқда. Ўтган йили бригада ҳар гектар экинзордан 20 центнердан кўпроқ дон ва 254 центнер маккажўхори

(Давоми иккинчи бетда).

Фармон ва ижро

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

ҚЎШИМЧА ОЗИҚ-ОВҚАТ, ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ

Жумҳуриятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришиш, ишлаб чиқаришдаги номутаносибликларга чек қўйиш, халқ хўжалиги ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, коммунистлар сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларни партия дастурини амалга оширишга жалб қилиш ҳамда партия ташкилотлари фаолиятини, омма билан алоқасини мустаҳкамлашга Ўзбекистон ССР Президентининг халқ манфаатларини кўзлаб чиқарган Фармонларини амалга оширишга қаратиш шу кунинг долзарб вазифаларидандир.

Шунингдек, Советлардаги коммунист депутатлар, раҳбар ва мутахассисларнинг эътиборини съезд қарорларини бажаришга қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашларни социал ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ижобий ишларда бевосита жойлардаги партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бошқош бўлмоқдалар.

Шундай экан, Наманган вилоятида бу борада қандай янгиликлар, силжишлар бор!

ХОНАДОНЛАРГА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Вилоятда газлаштириш ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида қўйидаги ишлар амалга оширилди. 1990 йилда вилоят бўйича 202,3 километр газ қувури тортилиб, 9200 хонадон табиий газ тармоғига уланди. 1991 йилда вилоят ҳудудида 370 километр газ тармоқлари тортилиб, 21 минг хонадонни табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган. Ўтган 4 ойда 4040 хонадон газлаштирилди.

1990 йилда режадаги 130 километр ўрнига 219 километр сув тармоқлари қурилиб, ишга туширилди.

Умумтаълим мактабларининг 1—5-синф ўқувчилари учун бепул нонушта ташкил этиш тўла амалга оширилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан нонушта учун ҳар бир ўқувчига 40 тийиндан ажратилган.

●

ФУҚАРОЛАРГА ИМТИЕЗЛАР

Президент Фармонига асосан бошланғич синф ўқитувчиларининг иш ҳақи ўртача 30—60 сўмга, 5—11-синф ўқитувчиларининг эса 20—30 сўмга оширилди. Давлат, колхоз, совхоз ва идоралар ҳисобидаги уйларда яшаётган ўқитувчиларнинг 600 нафарига уйлар шахсий мулк қилиб берилди. Илғор ўқитувчилар оталиқ ташкилотлар томонидан мукофотланмоқдалар. 1990 йилнинг ўзида вилоят бўйича 530 минг сўм мукофот берилди.

Кам таъминланган фуқароларнинг турмуш шароитини яхшилашга асосий эътибор қаратилмоқда. Кейинги 1,5 йил мобайнида вилоятда яшовчи пенсионерлар, кам таъминланган оилалар 23,9 миллион сўм қўшимча даромад олганлар. Бундан ташқари 139 хўжалик, корхонада ишлаб, меҳнат пенсияси олаётган 10823 нафар кишига ҳар ойда 302840 сўм қўшимча ёрдам пули берилмоқда. Уйчи районидаги «Қизил — Ровот» давлат хўжалиги (директори М. Шерматов), Охунбобоев номли (жамоа бошқаруви раиси А. Эгамбердиев), «Ленин йўли» (жамоа бошқаруви раиси Д. Тўрабоева) жамоа хўжаликларида қўшимча 30 сўмдан 100 сўмгача ички хўжалик пенсиялари тўланмоқда. Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалиги (жамоа бошқаруви раиси С. Темиров), Бобур номли янги хўжалик нафақаси жорий этилиб, йилига 77 минг сўм сарфланмоқда.

Наманган районидаги бир қатор хўжаликларда ва Уйчи районидаги «Қизил—Ровот» тажриба хўжалигида, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони борларга ҳамда Меҳнат Шуҳрати орденининг III та даражаси билан мукофотланганларга ҳар ойига 100 сўмдан, Ленин ордени билан мукофотланганларга ҳар ойига 80 сўмдан, бошқа орденлар билан мукофотланганларга 50 сўмдан, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан мукофотланганларга ойига 30 сўмдан қўшимча нафақа тайинланган.

Район, хўжалик раҳбарлари халқ манфаати билан яшаса, ташаббускор, тадбиркор бўлса қишлоқ аҳолисига шунчалик кўп қулайликлар яратилишини қуйидаги мисоллардан тасаввур этиш мумкин.

Задарё районидаги Ильич давлат хўжалиги ташаббусига қўшилган Навоий номли жамоа хўжаликларида 90 ўринли 6 та кундузги даволаш шифохоналари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Уларга хўжаликлар ҳисобидан 35 та медицина ходимлари учун штат лавозимлар ажратилиб, маблағ билан таъминланган. Даволанувчилар хўжаликлар транспортида эрталаб олиб келиб, кечки пайт олиб бориб қўйилади.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали меҳнат қилгани, ўзбек совет адабиётини тарғиб этишда кўрсатган хизматлари, ижтимоий-сиёсий турмушда фаол иштирок этгани учун журнал ташкил топган куннинг 60 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби»:

Мухторов Омон Сулаймонович — бош муҳаррир ўринбосари

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»:

Абдуллаев Ортиқбой Абдуллаевич — танқид ва адабиётшунослик бўлимининг мудири

Иброҳимов Турсун — катта адабий ходим

Қаҳҳоров Тоҳир — наср бўлимининг мудири

ва қуйидагилар Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Аҳмедов Музаффар Усмонович — адабий ходим

Ҳайдарова Фарида — машинистка

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 29 май.

(«Шарқ юлдузи»нинг 60 йиллигига бағишланган саҳифа билан 3-бетда танишасиз).

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА УЧРАШУВ

Шаҳар ёки қишлоқда яшовчи ҳар бир киши Ўзбекистон ССР Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов билан учрашиши, у билан республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида суҳбатлашиши мумкин. Бунинг учун фақат 30 май куни кечқурун телевизорни қўйиш керак. Қулай вақтда — соат 19 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон телевидениесининг биринчи программаси ва Марказий телевидениенинг биринчи программаси орқали кўрсатиладиган машҳур бўлиб кетган «Сиёсий мулоқотлар» кўрсатувида Ислом Абдуғаниевич Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши, партия комитетлари ва жамоат ташкилотларининг миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш борасида қилаётган ишлари, иқтисодиётдаги, сиёсатдаги устун йўналишлар, хорижий мамлакатлар билан алоқалар тўғрисида гапириб беради.

Бу — Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов иштирокидаги иккинчи ана шундай кўрсатувдир. У рамзий равишда «Имконият чегарасида» деб аталади.

(ЎзТАГ).

Хорижда

● Рўзномамизнинг ушбу сони саҳифаланаётган чоғда Ер куррасининг турли минтақаларидан ТАСС мухбирлари йўллаган хабарларни олдик.

МУНОСАБАТЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

● АҚШ президенти Жорж Буш «Москвага бормоқчиман» ва СССР Президенти Михаил Горбачев билан олий даражада учрашув ўтказмоқчиман, деди ҳамда унинг ибораси билан айтганда, унинг маъмурияти гўё «Совет Иттифоқидан узоқлашаётганлиги» тўғрисида» газеталарда пайдо бўлган хабарларни» рад этди.

АҚШ президенти олий даражадаги учрашув вақти ҳали аниқ эмаслигини айтди. Учрашув қачон бўлиши мумкин, деган саволга жавобан бундай деди: «Унча кейинроқ эмас, анча олдинроқ».

ВАШИНГТОНДА УЧРАШУВ

● СССР Президентининг топшириғига биноан Вашингтонга СССР Хавфсизлик Кенгаши аъзоси Е. М. Примаков ва СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари В. И. Шчербаков келишди. Улар бу ерда Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди раҳбарлари билан учрашадилар.

АНГОЛАДА УРУШ ТУХТАДИ

● Анголада иш олиб бораётган Унита мухолиф гуруҳининг раҳбари Жонас Савимбе: «Анголада ўт очишни тўхтатиш тўғрисида 15 май куни кучга кирган битимга риоя этилмоқда ва фуқаролар уруши тугагани аниқ бўлиб қолди» деди. У ЖАР президенти Клерк билан учрашганидан сўнг Приторияда журналистлар ҳузурида сўзга чиқди.

ИСЛОМНИНГ ЕВРОПА МАДАНИЯТИГА ҲИССАСИ

● Парижда Европа Кенгаши парламент ассамблеяси, ЮНЕСКО ва Ислом маданияти ғарбий илмгоҳи (Мадрид) ташаббуси билан нуфузли халқаро анжуман очилди. Анжуманда «Ҳозирги замон Европа маърифатининг қарор топишида ислом маданияти қандай хизмат қилган?» деган масала муҳокама этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Малайзия парламентининг вакиллар палатаси спикери Моҳамед Зохир Исмоил бошчилик қилаётган делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

Делегацияни 29 май куни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси Э. С. Самандаров қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари тилга олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзоси, жумҳурият ташқи ишлар вазири С. О. Азимов қатнашди.

Шу куни меҳмонлар Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб иқтисодиёти бирлашмасида, Ўзбекистон санъат музейида бўлдилар.

Делегация аъзоларининг жумҳуриятимиздаги сафарида Малайзиянинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Моҳамед Хорун улар билан бирга бўлди.

(ЎзТАГ).

Деҳқонларга маслаҳатлар

ТАБИИЙ ОФАТНИ УЮШҚОҚЛИК, ИЖОДИЙ ВА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ БИЛАН ЕНГАМИЗ

ҲОЗИР Ўзбекистон халқ хўжалигининг деҳқончилик шўъбасида иқтоятда мушкул вазият вужудга келган. Узоқ чўзилган кучли ёмғирлар, дўл, сел келиши натижасида пахта ҳосилининг ҳам, дуккакли-дон, сабзавот-полиз экинлари ҳосилининг ҳам, боғлар ва узумзорлар ҳосилининг ҳам тақдири хавф остида қолди. Қорақалпоғистон, Хоразм, Наманган, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятларда деҳқончилик-саноат комплексининг объектларига жиддий шикаст етди.

Республика Президенти, ҳукумати қутурган табиий офатлар оқибатларини зудлик билан тугатиш учун шошилинч чоралар кўрди. Бу чора-тадбирларни амалга ошириш билан ҳукумат тузган махсус комиссия шуғулланмоқда. У ўз фаолиятида халқ хўжалиги раҳбарларининг ва мутахассисларининг қўллаб-қувватлашига, меҳнат жамоаларининг ва жамоат ташкилотларининг ёрдамига таянмоқда. Табиий офат натижасида вайронгарчиликлар бўлган жойларнинг ҳаммасида уй-жойларни тиклаш ва қуриш ишлари бошлаб юборилган, аҳолини озиқ-овқат ва энг зарур моллар билан таъминлаш йўлга қўйилган, соғлиқни сақлаш хизматларининг фаолияти кучайтирилган.

Одамлар бу ғамхўрликни кўришяпти ва қадрлашяпти, ана шу ғамхўрлик уларда об-ҳаво инжиқликлари туфайли вужудга келган қийинчиликлар бартараф этилишига, республикадаги турмуш яна изга тушиб кетишига ишонч уйғотмоқда. Бутун республикада одамлар ғайрат билан меҳнат қилишмоқда — вилоятлар ва районлар, хўжаликлар ва меҳнаткашларнинг оилалари уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликни табиий офатга қарши қўйиб, бир-бирларига ёрдам бериб, кўрилган зарарни тезроқ бартараф этишга интилишяпти.

Бундай шароитда Ўзбекистон деҳқонлари ҳосилни сақлаб қолишни, деҳқончилик маҳсулотининг, аввало бозорда сотадиган асосий маҳсулотларимиздан бири — пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўймасликни ўзларининг асосий вазифалари деб билмоқдалар. Республикадаги бундан кейинги иқтисодий аҳвол кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ бўлади. Бу қийин вазифа, лекин уни бажарса бўлади. Бунинг устига мавжуд маълумотларга кўра, қулай об-ҳаволи кунлар келяпти — июнь ойида об-ҳаво барқарорлашади, ёғингарчиликлар норма атрофида, ҳаво ҳарорати 23-30 даража иссиқ бўлиши кутиляпти. Бу эса кўп йиллик ўртача кўрсаткичларга мос келади.

(Давоми иккинчи бетда).

• ФАРМОН ВА ИЖРО

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Учқўрғон ноҳиясида оналар ва болалар учун «Ниҳол», меҳнат фахрийлари учун «Наврўз» санаторийлари қуриб ишга туширилган.

* * *

Учқўрғон райони (район партия комитетининг биринчи котиби К. Раимжонов, район ижроия комитетининг раиси Х. Тожибоев) партия, совет ташкилотлари ташаббуси билан қарийб ҳамма ишловчиларга иссиқ овқат мавсум давомида бепул берилмоқда. Косонсой, Тўрақўрғон, Чортоқ ва бошқа қатор ноҳияларда ҳам колхозчи ва совхоз ишчиларига иссиқ овқатини бепул қилиб бериш кенг жорий этилиб, ўтган тўрт ойда 204 минг сўм сарф этилган.

ЕРДАМЧИ ХЎЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

Чуст районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида ва бошқа районларнинг бир қатор хўжаликларида ўз тегирмонларида буғдойни ун қилиб кам таъминланган оилаларга тарқатиш йўлга қўйилган.

* * *

Аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 1989—1990 йилларда ва шу йилнинг ўтган даврида ана шу мақсадда 91,3 минг оилага уйжой қуриш учун, 118 минг оилага томорқа ўчун жами 21,1 минг гектар ер ажратиб берилган.

* * *

Аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларини чорва ҳайвонлари билан таъминлашда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига йирик шохли қорамол сотиш топшириғи 172 фоизга, қўй-эчки сотиш 496, чўчқа сотиш—107 ва парранда сотиш эса 130 фоизга уддаланган. Чорва озуқаси сотиш ҳам сезиларли ўсган. Жумладан, 10,3 минг тонна шелуха, 22,5 минг тонна омухта ем ва 3,3 минг тонна кунжара сотилган. Республика Президенти Фармонига биноан колхоз ва совхозлар томонидан аҳолига 25 минг тонна дағал хашак, 17 минг тонна ширали ва 23,5 минг тонна кўк озуқа сотилган. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга 1010 бош чорва моллари, 78,9 минг сўмлик чорва озуқаси бепул тарқатилган.

* * *

Шу йилнинг ўтган даврида эса аҳолига 1314 бош қорамол, 9970 бош қўй-эчки, 154 минг бош парранда, 4257 тонна дағал озуқа, 2213 тонна ширали ва 784 тонна кўк озуқа, 4395 тонна омухта ем, 4315 тонна шелуха ва 3091 тонна кунжара сотилган.

* * *

Аҳоли чорвасига хизмат кўрсатадиган қўшимча 87 та зооветеринария пунктлари ташкил этилган.

* * *

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш учун аҳолидан 13203 кишига 55,7 миллион сўм ссуда тарқатилган. Шундан якка тартибда уй қурувчиларга 52,2 миллион сўм, чорва ҳайвонлари сотиб олувчиларга 3,5 миллион сўм ссуда берилган.

* * *

Аҳолининг ўз томорқасида етиштирган, эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотларни қабул қилиб оладиган 93 та комплекс қабул пунктлари ташкил этилган. 25703 киши билан шартнома тузилиб, улардан 88,0 минг тонна сабзавот, 9,7 минг тонна полиз, 2,5 минг тонна картошка ва 7,5 минг тонна хўл мева сотиб олинган.

* * *

Шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига амалий ёрдам кўрсатишда мавжуд маҳаллий имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳамма колхоз ва совхозларда қурилиш бригадалари, ёғочни қайта ишлайдиган, хом ғишт ишлаб чиқарадиган, арзиқ, оҳак ва асфальт пиширадиган цехлар барпо этилган.

* * *

Хўжаликларда обжувоз, мойжувоз ва тегирмонлар қурилиб, аҳолининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилинмоқда.

КИЧИК КОРХОНАЛАР АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ҳозирги пайтда хўжаликларда 600 дан ортиқ ёрдамчи саноат корхоналари ва цехлари бўлиб, буларда 4860 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ўтган 1990 йилда ана шу цехлар томонидан 8 миллион 777 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган. Ёки 5,2 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари, 20,5 миллион дона ғишт, 100 минг метр хон-атлас, 350 минг сўмлик тижувчилик маҳсулотлари, 410 минг сўмлик жун рўмол ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган.

* * *

Вилоятда нарх-наво реформаси ўтказилиши шароитида аҳолининг ишга яроқли қисмини иш билан таъминлаш муаммоси ҳам маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ижобий ҳал этилмоқда. Бу борада Янгиқўрғон районида (район партия комитетининг биринчи котиби Т. Киргизов) олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқдир. Хўжаликлар, корхоналар қошида 60 та кичик саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари очилиб, уларда 1990 йилда ва шу йилнинг ўтган даврида 9550 минг сўмлик ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. 810 киши иш билан таъминланган.

«Наманганремвод» область бирлашмасида ҳам ишловчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ишловчиларни уй шароити ўрганиб чиқилиб, шароити оғир бўлган 127 нафар ишчининг уйи ташкилот томонидан бепул ремонт қилиб берилган. Янги уй-жой қурувчиларга бирлашманинг ўзида етиштирилган 4876 кубометр ёғочбоп терак берилган.

Ердамчи хўжалик учун 910 гектар янги ер олиниб, у ўзлаштирилиб, 210 гектарига шоли, 300 гектарига буғдой, 150 гектарига сабзавот экилган.

Ҳозир ёрдамчи хўжаликда 500 бош қорамол, 1200 бош қўй, 1200 та товуқ, 400 яшик асалари ва 30 тонна балиқ боқилиб, ишловчиларга арзон нархда маҳсулот етказиб берилмоқда.

Бирлашма ихтиёрида 320 ўринли пионерлар лагери, 60 ўринли соғломлаштириш маскани ишловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КЎКЧАТОВДА БЎЛИШИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

кўкпояси олди. Бунинг натижасида ижарачи жамоанинг молиявий аҳволи яхшиланди: соф даромад чорак миллион сўмни ташкил этди.

Моисеевларнинг шахсий томорқаси ҳам яшнаб турибди.

М. С. Горбачев қишлоқни қуриш қандай бораётгани билан танишди, деҳқонларнинг турмуш шароити билан қизиқди, дўконларда, маиший хизмат уйида бўлди.

Кўкчатовликлар маҳсулот етиштиришда юксак натижаларга эришиш учун ишни ташкил этишнинг барча усуллари ҳам яхши деган қоидага амал қилиб, хўжалик юритишнинг турли шаклларини қўлламоқдалар. М. С. Горбачев ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Шчучинск районидаги «Златопольский» давлат хўжалигида бўлган вақтларида бунга ишонч ҳосил қилдилар. Бу ерда барча жамоалар ижара усулида ишламоқда. Ўтган йили самарали меҳнат 4,5 миллион сўм соф фойда келтирди.

Умумий муваффақиятга А. Я. Гардер ва унинг бригадаси аъзолари салмоқли ҳисса қўшдилар. Жамоа 6 минг гектар майдонда биринчи класс уруғлик дон етиштирди. Ҳар бир меҳнатчи ҳисобига 60 минг сўмлик маҳсулот етиштирилмоқда. Бригаданинг банкда ўз ҳисоб варақаси бор, унга 900 минг сўмдан кўп пул қўйилган. Одамлар ерда ўзларини тўла ҳуқуқли хўжайин деб ҳис этмоқдалар.

... Апа шу бригаданинг дала шийпонида СССР Президенти келадиган кунда ижарачилар, фермерлар, кооператорлар, вилоят районларининг раҳбарлари тўпландилар. Бу ерда қизиқарли ва фойдали суҳбат бўлди.

Тўпланганлар меҳнатни янгича ташкил этишнинг афзалликлари, тармоқни ривожлантириш истиқболлари, муаммолар тўғрисида гапирдилар. Жумладан, қишлоқ учун техника тўғрисидаги масала ўткир қилиб қўйилди.

— Т-4 тракторлари кабинасиз ва ёнилғи қуйиладиган бакларсиз келтирилаётганлигини тартиб деб бўладими, деб ғазабланишди улар. Машҳур «Кировец» тракторлари нуқсонлар билан чиқарилган, сеялкаларнинг муҳим қисмлари йўқ. Деҳқонлар қишлоқ меҳнатчиларига, уларнинг эҳтиёжларига кўпроқ эътибор бериш керак, деб ҳисобламоқдалар.

М. С. Горбачев учрашувга якун ясаб таъкидладики, иқтисодиётнинг барча соҳаларида муносабатларни ислоҳ қилиш йўлидан дадил бориш зарур. Бу ишни социализмни одамларнинг манфаатлари билан бирлаштириб, ҳамма биргаликда бажариши керак. Инсонни мулкка қайтармоқ муҳимдир. Буйруқбозлик тизмасининг умри тугади. У ишбилармонликни, энг яхши маънодаги мусобақалашишни истисно этади. Агар иқтисодиётнинг барча соҳалари ислоҳ қилинмаса, жамият унда жамият бўлмай қолади, балки «ижтимоий таъминот»га айланади.

— Мана сизлар, — деди у ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб, — шу ишга киришдингиз ва иш жойидан қўзғалганини кўрдингиз. Саноатда ҳам шундай бўлади. Чунки ҳозир КамАЗ ҳам ижарага берилган.

М. С. Горбачев учрашув қатнашчиларига янги муваффақиятлар тилади.

СССР Президентининг сафарида СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари В. Х. Догужиев ҳамда СССР қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазири В. И. Черноиванов унга ҳамроҳлик қилмоқдалар.

• КПСС Марказий Комитети Котибиятининг мажлисидан

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИ В. А. ИВАШКО РАИСЛИГИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОТИБИЯТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛДИ

Мажлисда иқтисодиёт соҳасида жиноятчилик кўпайиб бораётганлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу нарса ҳозирги пайтда виждони пок ҳар бир кишини ташвишга солмоқда. Газеталар, телевидение жиноий гуруҳлар қўлга олингани ҳақида жуда кўп хабарлар бермоқда, яшириб қўйилган ёки тортиб олинган қимматбаҳо буюмлар ва пулларни кўрсатмоқда. Аҳолида: иқтисодий бандитизм кўриниб турибди, уюшган жиноятчилик авжига чиқаяпти, жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш учун қатъий чоралар кўрилмаяпти, деган бутунлай аниқ бир фикр вужудга келмоқда.

Аслида нималар бўляпти? Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги қандай? Партия комитетлари, раҳбар коммунистлар СССР Президентининг шу масалага доир Фармонини амалга оширишда ўз жойларини аниқлаб олдиларми?

Ана шу ва бошқа муаммолар хусусида ташвишли гаплар борди. Муҳокама қилинаётган масаланинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, Котибият мажлисига СССР Олий Кенгаши бир қанча комитетлари ва комиссияларининг коммунист раислари ва аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари таклиф этилди.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков, СССР Ички ишлар вазири Б. К. Пуго, СССР Бош прокурори Н. С. Трубиннинг ахборотларида иқтисодий соҳадаги жиноятчиликнинг ҳолати холис таҳлил қилиб берилди. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган ишларга ўзини ўзи танқид руҳида баҳо берилди. Жумладан, қуйидаги тамойил таъкидлаб ўтилди: ҳуқуқбузарлик кўламлари халқ хўжалигининг айни аҳоли ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларини тобора кўпроқ қамраб олмоқда. Бу аввало, халқ истеъмоли молларини сақлаш, ташиш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларга тааллуқлидир.

КПСС Марказий Комитетининг котиби Е. С. Строев ачинарли маълумотларни таҳлил этиб, ҳуқуқбузарлик кўпайган пайтда нима учун жиноят содир этаётган ва уларга кўмаклашаётган шахсларнинг кўпчилиги жазосиз қолмоқда, деб ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шаънига таъна қилди. Унча муҳим бўлмаган жиноятлар учун жиноий жазони енгиллатиш аслида ҳозир хавфли тусдаги жиноятларга ҳам кўчирилди. Масалан, ўтган йили савдо қоидаларини ашаддий равишда бузган 6 мингдан ортиқ одамдан атиги 7 киши озодликдан маҳрум этилди. Чайқовчилик, савдода катта миқдордаги суниистеъмоллар, ўғирлик каби хавфли жиноятлар муқаррар равишда жазоланмай қолишига йўл қўйиш мумкин эмас, деб таъкидлади нотиқ.

Е. С. Строев ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари шаънига бир қанча ҳақли эътирозларни айтиб, у ерда ишлаётган коммунистларни таъна ҳам қатъият билан ҳимоя қилишга чақирди. Чунки сиёсатдан ҳоли қилиш, Иттифоқ идораларига қарам бўлмай, мустақил бўлиш баҳонаси билан ёқмайдиган ходимлар четлаштирилмоқда ва нафсоният билан боғлиқ муддаоларга итоаткорона хизмат қиладиган «ўз» одамлари билан алмаштирилмоқда. Ҳар ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ўз кучлари етарли эмас. Идоравий назорат бўшашиб кетган. Бир қанча совет идоралари хўжасизликнинг кучайишига қарши аниқ-равшан ҳаракат қилмаяпти. Партия комитетлари, барча коммунистлар салбий ҳодисаларга қарши курашда фаолроқ қатнашиб, бундай ҳодисаларнинг жамиятга беқарорлаштирувчи таъсирини бартараф этишга эришишлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг котиби В. М. Фалин фуқаролар шахсий хавфсизлигини биздаги барча тақчилликлар орасидаги энг ўткир тақчилликлардан бири деб атади. Жиноятчилик миқёси шундай тус олдики, одамлар ўз яқинларининг ҳаёти ва саломатлигидан доимо ташвишланадиган бўлиб қолдилар. Бу давр вақт жиҳатидан қайта қуриш бошланишига тўғри келди, шу сабабли одамларнинг бир қисми уни қайта қуришнинг оқибати деб билмоқда. Бу янглишишдир, деб таъкидлади нотиқ, агар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан ўзларидаги мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланганларида эди, бундай янглишишга йўл қўйилмаган бўларди. Бозор муносабатларини жорий этган бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шундан далолат бермоқда. Уларнинг қонунлари, бу қонунларни қўлланиш тажрибаси билан танишиш кифоя қилур эди, қонунларда, жумладан, фавқулодда вазиятда чораларнинг ғоят самарали тизмасини қўлланиш кўзда тутилган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини ҳимоя қилиш тўғрисида гапирганда эса, партия ташкилотлари дадилроқ ҳаракат қилишлари, хизмат бурчига биноан СССР Конституцияси ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган кишиларнинг фақат ҳаёти ва саломатлигипига эмас, шу билан бирга уларнинг шаънига қилинаётган ҳар бир хуружни эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Нотиқ партия номидан СССР Олий Кенгашига жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисидаги масалани киритишни таклиф қилди.

Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев қонун чиқарувчи идораларнинг мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтиши сурўъатларидан иккол орқада қолаётганлигини (аввалига рекет пайдо бўлди, сўнгра унга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилинди) айтиб, кооперативларда суиистеъмоллар даражаси жуда юқорилиги сабабларига тўхталди. Асосан воситачилик вазифалари, молларни қайтадан сотиш билан шуғулланаётган кооперативларда қонунийлик бошқа кооперативларга нисбатан кўпроқ бузилмоқда. Кооперативларнинг барча турлари учун солиқ солиш тизмаси эса бир хил. Ҳолбуки, ишлаб чиқариш кооперативларининг улуши кооперативларнинг умумий сонида атиги 6 фоизни ташкил этади.

Шу масалани муҳокама қилишда қатнашган КПСС Марказий Комитетининг котиблари П. К. Лучинский, Б. В. Гидаспов, В. А. Купцов ва бошқалар жойлардаги партия ташкилотлари иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда иштирок этишга эътиборни бўшаштириб юборганликлари ҳақида гапирдилар. Ҳар бир минтақада иқтисодий жиноятлар кўпайиши сабабларини ҳар томонлама таҳлил этиб, юз берган ишларнинг аҳволига партиявий-сиёсий баҳо бериш, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда аниқ-равшан чора-тадбирларни кўрмаётган Совет ҳокимияти, хўжалик бошқаруви маҳаллий идоралари ҳамда уларнинг раҳбарлари фаолиятига ўз муносабатини кенг жамоатчиликка етказиш керак, деб таъкидлашди улар. Бу ишга барча даражадаги коммунист депутатлар, ишчи назорати ҳамда меҳнаткашларнинг бошқа ташаббускор бирлашмалари фаол қўшилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов КПСС Марказий Комитети СССР Хавфсизлик Кенгаши билан, давлат бошқарувининг ўзга идоралари билан тағин ҳам мустаҳкамроқ ҳамкорлик қилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида партия йўлини қатъият билан ўтказиши зарурлигига эътиборни қаратди. У СССР Хавфсизлиги Кенгаши билан Вазирлар Маҳкамасини КПСС Марказий Комитети котибиятининг кўриб чиқилаётган масалага доир фикри билан таништиришни таклиф қилди. КПСС Марказий назорат комиссияси раиси, деди А. С. Дзасохов, тегишли ишни авж олдириши, хўжасизлик ва суиистеъмолларга кўникиб қолган коммунистларга нисбатан муросасиз бўлиши лозим эди.

Мажлис пировардида сўзга чиққан В. А. Ивашко қонунларни қўлланиш тажрибасини иқтисодиётда юз берган вазиятга мувофиқлаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилишни тезлаштириш ўткир зарурат бўлиб қолганлигини айтиб ўтди.

Бош котибнинг ўринбосари ҳар бир партия комитети ватандошларни алдашга, халқ бошига тушган кулфатдан фойдаланиб, бойлик орттиришга доир фактларни кенг ошкор қилиши лозим, деган фикрни ёқлаб гапирди.

Муҳокама натижасида қабул қилинган қарорда иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликни камайтиришга қаратилган ҳаракатларга партиявий ёндашув баён қилиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг котибияти чет эллардаги совет муассасалари партия ташкилотлари билан олиб бориладиган ишнинг айрим масалаларини ҳам кўриб чиқди.

РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг Г. А. Горбуновни Астрахань вилоят партия комитетининг биринчи котиби, И. М. Шабановни Воронеж вилоят комитетининг биринчи котиби этиб тайинлаш ҳақидаги, Украина Компартияси Марказий Комитетининг В. И. Малевни Запорожье вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб тасдиқлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

ТАБИИЙ ОФАТНИ УЮШҚОҚЛИК, ИЖОДИЙ ВА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ БИЛАН ЕНГАМИЗ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Чигит экишнинг нормал агротехник муддатлари тугади, уннинг униб чиқиши учун энг қулай вақт ҳам ўтиб кетди. Шу туфайли ёмғир ювиб кетган жойларга қўшимча чигит экиш ва фавқулодда ҳоллардагина бутун майдонларда чигитни қайта экиш зарур. Бунда фақат тезпишар навларни экиш керак. Энг яхшиси 118-120 кунда етиладиган «Тошкент—6» навини, у йўқ бўлса 125—128 кунда етиладиган «С—4727» ёки «Киргизский—3» навларини экиш маъқул. Агар улар июнь ойининг дастлабки кунларида бир текис униб чиқса, сентябрь ойининг охирлари, октябрь ойининг бошларида пахта очилади.

Яна такрорлаймиз, чигит етарли миқдорда униб чиқмаган жойлардагина қайта экиш керак бўлади. Башарти бир гектар ерда ҳеч бўлмаганда 40 минг туп ғўза униб чиқишини таъминлашга умид бўлса, бундай жойларда қайта экишга ҳожат йўқ. Ювилиб кетган жойларга фақат туксизлантирилган, лекин дастлаб ниш ургунча ивитилган чигит экиш керак. Агар бу ҳолда ҳар бир гектар ердаги ғўзаларнинг зарур миқдори таъминланишига шубҳа уйғонса, икки қаторли, параллел экиш усулидан фойдаланиб, мавжуд қаторларни қолдириб кетиш, кейин эса ҳар бир гектар ердаги ғўзаларнинг керакли миқдорда ўсишини таъминлаш учун уларнинг зичлигини меёрга келтириб олиш керак.

Кучли ёмғирлар ва сел оқимлари унумли тупроқдаги қимматли озиқлантирувчи моддаларни ювиб кетганлигини ҳисобга олиб, дарҳол уларнинг ўрнини тўлдириш, бунда мавжуд органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш лозим. Далаларда қатқалоқ ҳосил бўлишига йўл қўймасдан уни барча мавжуд воситалар билан дарҳол йўқотиш керак. Зарурат бўлса, ғўзаларни бироз суғориш, сифатли культивация қилинишини таъминлаш, бунда бегона ўтлардан тозалашга алоҳида эътибор бериш керак. Бегона ўтларни илдизи билан суғуриб ташлаш, касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг тарқалишига йўл қўймаслик лозим. Ўз вақтида ягана қилиб, аввало яхши ривожланмаган ва касал ғўзаларни юлиб ташлаш керак. Экинларни парвариш қилишда жадал технологиядан фойдаланиш, комплекс ишлов бериш даврини ҳар томонлама қисқартириш керак.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда қўлланиладиган ана шу ва бошқа агротехника тадбирларини барча экин майдонларида ўтказиш, уларнинг ўз вақтида ва юқори сифат билан бажарилишига алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳозирги ғоят оғир шароитда экинларни озиқлантириш ва суғориш, қатор ораларига ишлов беришнинг сифати, ўсимликларни касалликлар ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан сақлаш, иссиқлик ва ёруғлик режимларининг пухта ўйлаб бошқариб турилиши ҳосилдорликни таъминлашнинг асосий омиллари эканини назарда тутиш керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ишлаб чиқариш бўлинмалари, район идоралари раҳбарларининг ҳозирги вазифаси экинларни парваришлаш билан шуғулланаётган ҳар бир қишлоқ меҳнаткаши учун энг қулай шароит яратиб беришдан — уларни овқат билан, бадастур уй ва тиббий хизмат билан, барча зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлашдан иборат.

Қишлоқ меҳнаткашлари бу масалаларни ҳал этишда республика вазирликлари ва маҳкамаларининг ҳар томонлама ёрдам беришларига умид қилишга ҳақлидирлар. Улар эса Ўзбекистон раҳбариятининг ғамхўрлигига жавобан, ўз тажрибаларига, фан ва илғор қишлоқ хўжалик амалиётни ютуқларига таяниб, табиат кучларига муваффақиятли қарши туришга, ноқулай об-ҳаво вужудга келтирган қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштиришга қатъий азму қарор қилганлар.

ЗАРАР КЎРМАСЛИК ЙЎЛЛАРИ

Сирдарё вилоятининг Комсомол районидаги «Ипакчилик» давлат хўжалиги жамоаси табиий офат оқибатларини тугатишда ўзига хос йўлдан бормоқда. Бу хўжаликда 260 гектар майдондаги ғўза тўла яксон бўлди. Фақат 826 гектар майдондаги ғўзага зарар етгани йўқ. Деҳқонлар қаттиқ шикастланган майдонларда тадбиркорлик билан иш юритмоқдалар. Масалан, 260 гектар майдоннинг асосий қисмига беда, 40 гектар майдонга эса қовун-тарвуз уруғи тезкорлик билан экилди. 86 гектар майдонда эса маккажўхори ўстирилмоқда.

Хўш, булар пахтазорлар шикастланганлиги туфайли кўрилган зарарни қоплайдими?

— Маълум миқдорда қоплайди, — дейишмоқда хўжалик миришкорлари. — Чунки кузда 500 тонна қовун-тарвуз маҳсулотлари эл дастурхонига етказиб берилади.

Хўжаликда асосан пилла етиштирилади. Бироқ тутзорлар ҳам қаттиқ зарарланди. 15 гектар ердаги тутларнинг барги тўкилиб кетди. Ипак қурти озуқасиз қолди. Худди шундай оғир шароитда тадбиркорлар тушкунликка тушишмади. Улар қўшни хўжаликлардан, районлардан тут барги келтириб, ипак қуртини меҳр билан парваришламоқдалар. Ҳадемай давлатга пилла топшириш ҳам бошланади.

— Демак, тадбиркорлик билан иш юритилса, табиий офат оқибатлари бартараф этилиши мумкин, — дейди хўжалик директори П. Файзуллаев. — Зеро, биз ўз хўжалигимиз аҳолисини иқтисодий таъминлашимиз зарур. Уларнинг даромади камаймаслиги керак. Пахта ўрнига озуқа, сабзавот ва полиз экинлари эксак, ана шу даромаднинг бир қисми ўзимизда қолади. Бу билан жамоамизнинг йил бўйи қилган меҳнати зое кетмайди.

Райондаги бошқа кўпгина хўжаликларда ҳам ана шундай йўлдан борилмоқда. Боёвут районидаги «Ғалаба», Пушкин номли, У. Юсупов номли, «Боёвут» совхоз-техникуми, Ховос районидаги «Фарҳод» давлат хўжалиги, қўриқ Меҳнатобод районидаги хўжаликларида ҳам тадбиркорлик билан иш юритишмоқда. Бу жойларда омон қолган ғўзаларни меҳр билан парваришламоқдалар. Омилкорларнинг нияти — омон қолган ғўзалардан олинадиган ҳосил билан режаларни маромида бажариш.

Ш. МИРҲАБИБОВ, Н. МУМИНОВ.

• Мафкура ва ҳаёт

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Мамлакатда иқтисодий танглик тобора авж олаётган, ижтимоий кескинлик пасаймаётган, миллатлараро можаролар жамиятни ларзага келтираётган вақтда ғоявий парокандалик ҳам юз бермоқда.

Аввалига ўтмишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни танқид қилишдан босиб ўтилган тарихий йўлимизни ҳамда жаҳонни лол қолдирган ютуқларимизни бутунлай қоралашга ўтилди, кейин умуман социалистик ғояларни, Октябрь инқилобини инкор этиш, марксизм-ленинизмга, Коммунистик партиянинг сиёсати ва фаолиятига тош отиш ҳам оддий бир иш бўлиб қолди. Кўпгина марказий матбуот органлари эса бунга қарши зарба бериш ўрнига сиёсий мухолифларимизнинг тегирмонига сув қуймоқдалар. Кино ва телеэкранлардан, радио тўлқинларидан куну-тун маданиятдан узоқ, аҳлоқ-одобга зид бўлган нарсалар кўрсатилмоқда ва янграмоқда.

Хўш, бундай кенг миқёсда ҳужумга ўтган унсурларга қарши курашмоғи лозим бўлган соғлом кучлар-чи? Улар қаёқда қолди? Афсуски, улар кўп ҳолларда ташаббусни қўлдан бериб қўйдилар. Кўпгина партия ташкилотлари амалда сиёсий-тарбиявий ишлар билан шуғулланмай қўйдилар. Оқибатда мамлакатда нималар бўлаётганини тушунолмай ҳайрон бўлаётганлар, социалистик қадриятларга шубҳа билан қаровчи, иккиланувчи ва ҳаттоки, улардан воз кечаётганлар сони кўпаймоқда. Боз устига турли шуҳратпарастлар, вайсақи ва сохта демократлар мавжуд қийинчиликлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга, одамларни ёлғон-яшиқ гаплар билан чалғитишга уринмоқдалар.

Ана шундай мураккаб шароитда бўлиб ўтаётган воқеаларга тўғри баҳо бериш, ҳақиқатни ёлғондан ажрата билиш, сиёсий мўлжалларимизни йўқотмасликда кишиларга кўмак бериш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлиб қолди. Ушбу муҳим вазифани бажаришда кўп сонли тарғиботчи ва ташвиқотчиларнинг роли жуда каттадир. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкура ходимларини тайёрлашга эътиборни кучайтирмоқда. Жумладан, партия сиёсий ўқувларининг ташкилотчилари ва тарғиботчилари ҳамда вазирларни, яъни лекторларни мунтазам равишда ўқитиш ва малакасини ошириш йўлга қўйилди. Тошкент, Андижон ва Бухорода тарғиботчиларнинг семинарлари ўтказилди. Куни-кеча эса Урганчда ҳам шундай тадбир бўлиб ўтди. Икки кун давом этган қизиқарли мулоқот қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котиби К. Юсуповнинг мафкура ишининг долзарб вазифаларига доир маърузасини тингладилар, сиёсий ўқишларни замонавийлаштириш, лекция тарғиботи самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган мунозараларда фаол қатнашдилар.

Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳининг кафедра мудири, профессор С. Салимов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкура бўлими лекторлар гуруҳининг раҳбари А. Жалоловларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига бағишланган маърузалари катта эътибор билан тингланди, баҳсларга сабаб бўлди. Профессорлар М. Файзиев ва Қ. Хоназаровнинг ССР Иттифоқини янгилаш ва миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга доир таклиф этган мавзулари ҳам қизғин мунозараларда ўтди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мафкура бўлими мудирининг муовини Ю. Коракетов ва жумҳурият Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот бўлими бошлиғи Т. Полвоновларнинг ҳуқуқий давлатни барпо этиш, кўп партиявийлик шароитида фаолият кўрсатиш каби долзарб масалаларга бағишланган чиқишларини ҳам илиқ кутиб олдилар.

Мулоқотда қатнашган Хоразм вилоят партия қўмитаси биринчи котиби Р. Худойберганова келтирган далил ва рақамлар Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини амалга ошириш борасида воҳада қилинаётган ишлар кўламини аниқ-равшан ифодалайди. Бу эса тарғибот ишларининг таъсирчанлигини оширишда муҳим омилдир.

Партия қўмиталарининг ходимлари, тарғиботчи ва вазирлар семинар ишини ижобий баҳолаб, бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш лозимлигини таъкидладилар. Урганчда ўтган мулоқот кўпчиликнинг фикрича сермазмун ва фойдали бўлди.

С. ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий ва Тошкент вилоят қўмиталари Ижтимоий-сиёсий марказининг мудири.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТЛАРИДА

27 май куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иқтисодий ислоҳот ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳамда халқаро ишлар комитетларининг қўшма мажлиси бўлди.

«Ўзбекистон ССРнинг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРдаги хорижий сармоялар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари муҳокама қилинди. Қонунлар лойиҳаларини тайёрловчи ишчи гуруҳларнинг ахбороти тингланди. Депутатларнинг мулоҳазалари, таклифлари, қўшимчалари ва истакларини ҳисобга олиб, қонунларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқиш учун жумҳурият Олий Кенгаши Раёсатига тақдим этишга қарор қилинди.

Сўнгра мажлис қатнашчилари «Ўзбекистон ССРда давлат мулкини тақсимлаш тартиби тўғрисида» ва «Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунлари лойиҳаларини, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг «Валюта ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги СССР Қонунининг Ўзбекистон ССРда амал қилиш тартиби ҳақида»ги қарори лойиҳасини муҳокама қилдилар.

(ЎзТАГ).



«Шарқ юлдузи» — 60 ёшда

АДАБИЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

ТИЛАГИМИЗ

«Шарқ юлдузи» тўйи Шарқда юлдуз деб зътироф этилган жумҳуриятимизнинг, бутун халқимизнинг маданият байрамидир.

Ойнома илк нашриданоқ Ўзбекистон аҳлининг меҳнати, қувончу ташвишлари, курашлари, жасорати, фидойилари, бетакрор анъаналари, она юртнинг тарихи ва орзу-умидлари ҳақида ҳикоя қилиб келмоқда. У халқнинг маънавий камолоти учун курашдаги бурчини, масъулиятини ҳеч қачон унутган эмас. Миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналаридан «Ўтган кунлар», «Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон», «Қўшчинор чироқлари», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар», «Икки эшик ораси» романларини, «Алишер Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Инқилоб тонги» пьесаларини, «Ойгул ва Бахтиёр», «Истамбул фожиаси», «Жаннатга йўл» каби достонларни, юзлаб дилбар шеърларни биринчи бўлиб эълон қилди. Адабий жараённи зийраклик билан кузатиб бориб, жумҳурият бадиий маданиятининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди.

«Шарқ юлдузи» фақат адабиёт минбари бўлиб қолгани йўқ. У санъат муаммолари ва тарих ҳақиқатлари ҳақида бир-биридан теран мақолалар, мулоқотлар эълон қиляптики, бу замондошларимизнинг, айниқса, ёшларнинг онг-билим савиясини ўстиришда катта қимматга эгадир.

Ойноманинг кейинги йиллардаги изланишлари янада самарали бўлаётганлиги бизни қувонтиради. «Шарқ юлдузи»нинг журъати кескин кучайди. У ўзининг мустақил фикрини дадил, ошкора айтмоқда. Узоқ йиллар халқ бебаҳра бўлиб келган асарларни юзага чиқармоқда. Бунга «Қуръон», «Темур тузуклари», Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари мисолдир.

«Шарқ юлдузи»нинг олдида ҳали масъулиятли вазифалар турибди. Асосий тилаклардан бири шуки, ойномада ижтимоийсиёсий мавзудаги публицистик асарлар кўпроқ, таҳлили теранроқ бўлса. Тил муаммоларига бағишланган мақолалар туркуми мунтазам берилса. Булар, ижодий жамоа изланса, шаҳд қилса, ойнома ютуқларига ютуқ бўлиб қўшиладиган эзгу ишлардир.

«Шарқ юлдузи» келгусида ҳам жумҳуриятимиз бадиий маданиятини ривожлантиришда, равнақ топтиришда, ижтимоийсиёсий ҳаёт муаммоларига фаол муносабат билдиришда даъваткор, байроқдор ва севимли минбар бўлиб қолади, деб ишонамиз.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» рўзномаси ижодий жамоаси

Ижодий жамоа журналнинг янги сонини муҳокама қиляпти: [ўнгдан чапга] — бош муҳаррир Ўткир Ҳошимов, муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Омон Мухторов, кичик проза бўлими мудири Муроджон Мансуров, бўлим мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Ортиқбой Абдуллаев, бўлим мудирлари — Икром Отамуродов, Машраб Бобоев, масъул котиб, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Фозилов, техник муҳаррир [орқада] Юсуф Абдуллаев.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

1

ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ адабий-бадиий ойномаси — «Шарқ юлдузи»нинг 60 йиллиги нишонланмоқда. Аслида «Шарқ юлдузи»нинг таваллуд топган санаси 1931 йилдан эмас, 1922 йилдан бошланса адолатли бўлур эди. Негаки, ўша йили «Инқилоб» деган мажалла чоп этилган ва унда ўзбек насрининг пухта асари — А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан кўп боблар, Чўлпоннинг гўзал шеърлари, Фитрат ва Беҳбудий мақолалари эълон қилинган. Ўша йиллари «Ҳақиқат», «Шарқ», Бухорода эса «Тонг» мажаллалари нашр этилган ва уларда бадиий адабиётга кенг ўрин ажратилган. Майли, бугун биз босиб ўтилган 60 йиллик йўл ҳақида қисқача тўхталамиз.

«Шарқ юлдузи»нинг аввалги тўйларида журнал тарихи шон-шараф ва ғалабаларга тўлиқ йиллар деб баҳоланган. Ойноманинг 50 йиллигида Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирлангани бежиз эмас. Чиндан ҳам журнал умуминсоний туйғу — эзгуликни тараннум этишга, дўстлик, садоқат, муҳаббатни улуғлашга ҳамиша ҳаракат қилди. Бироқ 60 ёшга чиққан ҳар қандай инсон умрида бўлгани каби «Шарқ юлдузи» ҳаётида ҳам нурли ва қоронғу, мураккаб ва нотекис саҳифалар кўп бўлди.

Бир вақтлар нари-бериси билан уч минг атрофида чоп этилган мажалла бугунги кунда юз минглаб хонадонларга кириб бормоқда. Фақат Ўзбекистон эмас, қардош Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларда унинг кўплаб мухлислари бор.

1931—1932-йиллари ойнома «Қурилиш» номи билан нашр этилган. Тарихчи олимларимиз яхши биладилар. Ўша йиллари сиёсий ва ижтимоий ҳаётда ҳоким синф пролетариат бўлгач, бадиий ижодда ҳам шундай бўлиши табиий саналарди. Шоир бўлсанг ишчини улуғла. Заводни мақта, тракторга мадҳия ўқи, улкан социалистик қурилишларни тараннум эт!

Ижодни бу тарзда жонлантириш оқибатсиз кечса гўрга эди. Ёмон дард инсон қонига билинтирмасдан кириб, секин-секин авж олгани каби 37-йиллардаги қирғинбарот иситмаси ўша йиллардаёқ ҳуруж қила бошлаганди. Танқидчи Сотти Ҳусайннинг «Адабий танқидда партия чизиғини маҳкам ўтказув учун», В. Ўразайнинг «Доҳийнинг кўрсатиши асосида ишимизни қайтадан қурайлик» сингари ўнлаб мақолалари Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Боту каби истеъдодларни адабий жараёндан четлаштиришга олиб келди ва охир-оқибат уларнинг қатлига имкон яратди.

1932—1934 йилларда мажалла «Ўзбекистон шўро адабиёти», 1934—1935 йилларда «Совет адабиёти» номини олди. Бу даврни журналнинг бир қадар равнақ топган йиллари десак бўлади. «Ички душман» излаш одати ҳам анча сусайди. Туртиб-суртиб бир чеккага чиқариб қўйилган Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек каби адибларнинг ижодига ойномада тағин йўл очилди. СССР ёзувчиларининг Бутуниттифоқ I анжуманига катта ўрин ажратилди. Бу йилларни бўрон олдидаги осойишталик, деб атасак хато бўлмаса керак.

1935—1937-йиллар... Жазо жодиси ишга тушди. Халқимизнинг энг сара фарзандлари «халқ душмани»га айландилар. Чўлпон, Қодирий, Фитрат, Усмон Носир... санаб саноғига етиш қийин. Энг ҳосилдор гуллар узиб олинди. Ойнома муҳаррири Қурбон Берегин ҳам 1938 йил 4 октябрь куни (ёлғон суд ёлғон ҳукмини чиқармасдан бир кун олдин) Қодирийлар билан қўшиб отиб ташланди.

Даҳшатли жойи шундаки, «қўрқув салтанати» бир истеъдодни жисман ўлдириш учун иккинчи бир истеъдодга тўппонча ўқталиб, бўҳтондан иборат «керакли маълумот» олди. Бирини жисман маҳв этса, иккинчисини руҳан ўлдирди. Тарих олдида юзини қаро қилди. Ҳозирги авлод буни тўғри тушунмоғи, адабиётимиз равнақига улкан ҳисса қўшган устозлар бошига тушган қулфатлардан хабардор бўлмоғи ва ўшандай кунлар қайтиб келмаслиги учун курашмоғи керак!

1938-1939-йилларда ойнома «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» номини олди. Бу пайтга келиб энг яхши шоир ва ёзувчилар, драматург ва олимлар, Акмал Икромов, Файзулла Ҳўжаев каби етук партия ва давлат арбоблари қафансиз кетган, чинакам бадиий асарлар қатағон қилинган эди. Бўрондан амаллаб четда қолганлар ҳам қатиқни пуфлаб ичадиган ҳолатга келганди.

2

Улуғ Ватан уруши даврида журнал нашри вақтинча тўхтатилди. 1946 йилдан бошлаб Ойбек таклифи билан журнал «Шарқ юлдузи» номини олди. 1946-1948 йилларда ҳам шеъриятда мадҳиябозлик, насрда «социалистик ғоявийлик» устун бўлган эса-да, адабиётда турли даражада из қолдирадиган бир қанча асарлар яратилди. Ғ. Ғуломнинг «Вақт». А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Навоий» асарлари шулар сирасига киради.

Ўткир ҲОШИМОВ,
ойнома Бош муҳаррири.
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

КУРАШ ВА ИЗЛАНИШ ЙИЛЛАРИ

1949-1960-йилларда «Шарқ юлдузи» бутун мамлакатда авж олган тенденциядан четда туриши мумкин эмас эди. Шундай бўлса-да, журналда муайян қимматга эга бўлган асарлар босилди.

1961—1980 йиллар мобайнида «Шарқ юлдузи»да жиддий сифат ўзгаришлари рўй берди десак, адашмаймиз. КПСС XX анжумани шахсга сиғинишни, шу жумладан, адабиётга, илм-фанга волюнтаристик қарашни қоралади. Тошкентда Ўзбекистон зиёлиларининг анжумани бўлди ва қатағонга йўлиққан ёркин истеъдодлар карвонбошиси Абдулла Қодирий асарлари қайта нашр қилина бошланди. Умрбод таҳликада яшаган адиблар, шунингдек, ГУЛАГ лагерларидан қайтиб келган шоир ва ёзувчилар ғайрат билан ижод қилдилар. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», Зулфиянинг «Баҳор шалолалари», А. Мухторнинг «Чинор», Ҳ. Ғуломнинг «Машъал», С. Аҳмаднинг «Уфқ», Яшиннинг «Инқилоб тонги», С. Зуннунованинг «Одамлар орасида», Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин», Мирмуҳсиннинг «Меъмор», М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Уйғуннинг «Парвона», Р. Бобожоннинг «Лўлилар», С. Азимовнинг «Қонли сароб», Т. Тўланнинг «Қизбулоқ», Шуҳратнинг «Олтин зангламас», О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», П. Қодировнинг «Қора кўзлар», «Юлдузли тунлар» каби йирик асарлари, Миртемирнинг нафис достонлари, Шукруллонинг жонкуярлик билан ёзилган шеър ва драмалари, хуллас, бугунги китобхон маъқуллаши ёки рад этишидан қатъи назар ўқувчиларни турли даражада қаяжонга солган ва кўплари бугун ҳам ҳаяжонга солаётган асарлар дунёга келди.

50-йилларнинг охири ва 60-йилларда адабиётга янги авлод кириб келди. Қатағонлик даҳшатларини эшитган, аммо хайриятки, ўз бошидан кечирмаган бу оқим адабиётга янгича нафас, янги завқ, янги туйғулар, умуминсоний мавзулар олиб кирди. Улар ўз устозлари ижодидаги бор фазилатларни рад этмаган ҳолда ўз овозлари билан куйлашга ҳаракат қилдилар. А. Орипов, Э. Воҳидов, Ў. Умарбеков, Ш. Холмирзаев, Ў. Усмонов, Ҳ. Тўхтабоев, О. Матжон, Н. Аминов, Э. Самандаров, Ҳ. Худойбердиева, М. Али, О. Ҳожиева, Р. Парфи, Ж. Камол, М. Аъзам, Т. Малик, А. Иброҳимов ва бошқалар шеър ва достонлари, ҳикоя ва романлари, драма ва публицистик мақолалари билан адабиётга ҳисса қўшдилар.

Кўп мунаққидлар ижодий жараёнда рўй бераётган янгилик ва изланишларни сидқидилдан қўллаб-қувватладилар. Чинакам истеъдодларни катта-кичик хуружлардан асраб-авайладилар.

3

Афсуски, бадиий ижодга «ҳушёр раҳбарлик қилиш» касаллиги 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошида тағин пайдо бўлди. Баъзи раҳбар ўртоқлар «Шарқ юлдузи»нинг ҳар бир сони қораламасини ўқишни одат тусига киритдилар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳатто Шекспир асарлари таржимасидан «худо» деган сўзни олиб ташлаб, «осмон» деб ўзгартирилди. «Истамбул фожиаси», «Авлодлар довони» сингари бадиий бақувват асарлар, ёш ижодкорларнинг кўплаб шеър ва достонлари нашри пайсалга солинди. Инсоф билан айтганда, бундай ҳолат учун журналнинг ўша пайтдаги раҳбарияти, меҳнат жамоаси, таҳрир ҳайъати ва «юқори ташкилотлар»ни айблаш тўғри бўлмайди. Бунақа масалаларда худди 37-ва 50-йиллардаги сингари «раҳбар идоралар»га ваҳимали хабарлар етказадиган, «ҳушёр бўлишга» ундайдиган казо-казо олимлар, нишондор адиблар ва айрим «арбоб»ларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Яхшиямки, замон ўзгарган, қайта қуриш ва ошкоралик бошланган эди. Бу сафар ижодкорларнинг калласи кетмади, аммо «пахта иши», «ўзбек иши» деган янги кампаниялар бошланди.

Бир қарашда бу гапларнинг адабиётга даҳли йўқдек кўринади. Шундаймикин? Модомики, адабиёт ҳаёт кўзгуси экан, ёзувчи эса халқ виждони экан, у халқ бошига тушган фожиага томошабин бўлиб туриши мумкинми? Турғунлик деб аталмиш йиллар фожиаси, уларни келтириб чиқарган илдиз ва омиллар, бағри кенг ва содда ўзбек халқини бутун мамлакат олдида, ҳатто жаҳон олдида ёмонотлиқ қилиш учун ўйлаб топилган «ўзбек иши» деб аталмиш ҳаром-ҳариш кампания ҳақида асарлар ёзилмоқда. Аммо улар ҳали жуда оз.

...Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярми ва саксонинчи йилларда адабиётга тағин бир янги авлод кириб келди. Ёшлар қайта қуриш ва ошкоралик руҳига мос ижод қилмоқдалар.

Журнал саҳифаларида сўнгги тўрт-беш йил орасида босилган асарлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш шарт бўлмаса керак. Бугунги китобхон уларни яхши билади. Фақат ойномадаги баъзи асосий йўналишлар тўғрисида икки оғиз фикр айтишга журъат қиламиз.

Энг муҳими, ойномага четдан бўладиган буйруқ ва тазйиқлар, «ғамхўрликлар», «оталарча маслаҳат бериш», «йўлга солишлар»га чек қўйилди. Қалам аҳли ҳийла эркин нафас олишига, кўнглидагини айтишига имконият яратилди.

70 йил мобайнида камситиб келинган адабий ва маданий меросимиз ниҳоят халққа қайтиб берилмоқда. «Қуръон» таржимаси, «Темур тузуклари», «Дулбаржин», «Ўғузнома», А. Яссавий ҳикматлари, Вамберининг «Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи» асарлари, «Аср садолари» рукуни остида босилаётган шеърлар «босмачилик» деб аталмиш халқ ҳаракатининг туб илдизларини очишга қаратилган давра суҳбати бунга мисол бўла олади.

Туркистон ўлкасининг Чор Россияси томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши ҳақидаги бор ҳақиқатни айтиш вақти етди. Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий», Ҳ. Зиёевнинг «Чоризм истилоси», Фозилбекнинг «Дукчи эшон воқеаси», А. Авлонийнинг «Афғон дафтари» асарлари, Верешчагин хотиралари мухлисларда катта қизиқиш ва ҳаяжон уйғотгани бежиз эмас.

Табиийки, журналнинг бугунги фаолиятида ҳам ўзига яраша фазилат ва камчиликлар бор. Барча юмушлар амалга ошди, босилаётган ҳамма асарларни бадиий баркамол дея олмаймиз. Бироқ инсон яхши умид билан яшамоғи керак. Бу борада ойнома меҳнат жамоасига Ёзувчилар уюшмаси, таҳрир ҳайъати, 700 нафардан ортиқ Ўзбекистон адиблари, минглаб ўқувчиларимиз кўмаклашадилар, деб ўйлаймиз.

Жумҳурият раҳбарияти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети журналимиз юбилейини маданий ҳаётимиздаги катта воқеа сифатида нишонлашга алоҳида урғу берганлиги қувончли ҳолдир. Айниқса, «Шарқ юлдузи»нинг тўйи буюк Навоий йилига, ҳазратнинг муборак 550 ёшига тўғри келаётганида нурли бир рамзийлик бордек кўринади. Алишер Навоийнинг руҳи-поки «Шарқ юлдузи»ни, унинг юзлаб муаллифлари ва юз минглаб ўқувчиларини оқ ювиб, оқ тарайди, эзгу орзуларини қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламиз.

ЖУРНАЛ НОМЛАРИ ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

«Шарқ юлдузи» ойномаси ўз солномаси давомида турли номларда нашр этилган.

1931—32 йилларда «ҚУРИЛИШ»,

1932—34 йилларда «ЎЗБЕКИСТОН ШЎРО АДАБИЁТИ»;

1934—35 йилларда «СОВЕТ АДАБИЁТИ»;

1939 йилгача «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» номи билан босилган.

Ойнома Улуғ Ватан уруши даврида вақтинча нашр этилмаган.

1946 йил январдан атоқли ёзувчи ОЙБЕК ТАКЛИФИ БИЛАН «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» номида чиқа бошлаган.

ҚУТЛОВЛАР

ОЛТИН БЕШИК

● ҚАЙТА қуриш шарофати билан кўпгина кўтаринки руҳдаги иборалар қимматини йўқотди. Масалан, мўътабар она, падари бузруквор каби ифодалар. Шунингдек, қуёш, ой, юлдуз сингари шеърий сифатлар ҳам керак-сиздай бўлиб қолди. «Ўзбекистон — Шарқда социализм машъали» деган шиор-ку аллақачон истеъмолдан чиқиб кетди. Бироқ, «Шарқ юлдузи», «Садоқат Шарқ» каби атамалар ҳанузгача ўз жозибасини йўқотган эмас. Чунки журналимиз ўша илғор қарашларнинг олдинги сафида бораётир. Демак, Юлдуз деган ном унга ғоят ярашиқликдир.

Кейинги йилларда журналимизнинг таъсир доираси кенгайиб кетди. Бунинг боиси албатта жасорат ва дадиллик билан боғлиқ. Масалан, яқин ўтган йилларда Эркин Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» достонини журнал нечоғлиқ қийинчилик билан чоп этганини эслайман. Ушбу беозор достонга қаршилик қилганлар бугунги кунда ўзларининг ўша савияларини қандоқ баҳолар эканлар? Демоқчиманки, ойномамизга ҳеч қачон осон бўлган эмас. Турли сиёсий қатағонларнику бир четга қўйиб турайлик. Қўлига қалам олган кексаю ёш қаламкаш арзиса арзимаса ўз асарини «Шарқ юлдузи»га тиқиштиришга уринади.

Журналимиз бу ўринда ҳам ўзига-ўзи балогардондур. Айтаберса гап кўп. Лекин бугун биз, ўзбек адабиётининг кўпгина авлодлари учун «Олтин бешик» бўлган «Шарқ юлдузи»ни қутлуғ тўйи билан муборакбод этиб турибмиз. Ушбу «бешик» доимо тебраниб турсин. Унинг поясига таяниб чиққан ҳар бир асар ўз ошёнининг шарафини узоқ-узоқларга етказсин.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

ҚАДРДОНИМ

● МЕН «Шарқ юлдузи»ни болалигимдан ўқийман.

Ҳозир у билан кечирган кунларга қараб, ойнома айнан ўзимизга ўхшаганининг — таваккал қилганининг, бўйи етмас осмонларга қўл узатганининг, орзу-армонларнинг вайронаси устида мискинлик ичра қотганлигининг, довдираганлигининг, қўрққанлигининг, итоаткорликда бўйин қисиб яшаганининг... гувоҳи бўлганмиз.

Адабиёт аталмиш сеҳрли кошонанинг ягона тирқишидан тушган бу нур барибир қанчадан-қанча кўнгилларни ёритди, умиднинг тош эшигини очгани қувват бахш этди, тоғдай зил ҳаётни бечора елкаларга кўтариб яшаш учун ҳимоят берди. Меннинг жумҳурият матбуотидаги илк шеърим шу ойномада чоп этилган. Йиллар давомида ойноманинг ўз одамига айланиб қолганман. Шунинг учун ҳам бугунги тўй кунида, «Шарқ юлдузи»нинг булутли кунларини, бу булутлар қуюқлашувига баъзан ҳозиржавоблик, баъзан ночорлик сабаб қўмак берганларни эслаб ўтирмайман. Бугун эл камолотини ўйлаб, заҳмат чекканларни эсламоқ жоиздир.

Муҳарририятни ва муштарийларни ойноманинг қутлуғ ёши билан қутлайман.

Усмон АЗИМОВ.

Эркин САМАНДАР.

[Тарихий фожиадан парча]

Жалолиддин кириб келади. Ота-бола[1] илиқ омонлашадилар.

ХОРАЗМШОҲ

Йўлларингга интиқ эрди менинг кўзларим,
Дийдорингни кўрмай ўлмоқ ҳадигим эрди.
Шукур, сени кўрдим, энди Азроил келса,
Қўлларига тутгум ўзим хаста жонимни.

ЖАЛОЛИДДИН

Бу оролда нима қилсин, ота, Азроил,
У жон олиб юрар гавжум қишлоқ, кентларда.
Ғўристонга айлантирди гулистонларни.

ХОРАЗМШОҲ

Таъна тошин отишингни билардим, ўғлим,
Не сўз десанг ҳақ эрурсен, айбга иқрорлик
Ила сенга юкинмоқда нотавон кўнглим.
(Гулхан яқинида ётган қуруқ дарахт шохини қўлига олиб)
Бу қақшаган қуруқ ўтин бир вақт ям-яшил
Дарахтнинг қўл етмаган шохаси эрди.
Бутоқлари булбулларнинг эрди ошёни,
Япроқлари еллар ила қуриб суҳбатлар
Куйлашарди боқийликнинг қўшиқларини.
Илдизларни бор-йўқлигин олмай ёдига
Осмонга бўй чўзар эрди мағрур ва шодмон.

● *Ойномада ўқийсиз*

АЖДОДЛАР ҚИЛИЧИ

Бўронларни писанд этмас эрди мутлақо,
Гулдираклар, чақиларни илмай назарга.
Офатларга кўкрак керар эрди мардона.
Келгиндилар илдизларин чопдилар бир кун,
Кесиб-кесиб ташладилар томирларини,
Шунда ҳамки, у фарзона кўкка бўй чўзиб,
Оламга тик боқар эрди киборлар ила,
Билмасдики, ҳаёт йўқдир илдизсиз, ерсиз,
Мана бугун қуруқ ўтин унинг танаси.
Унга таъна этмоқликдан энди борми суд.
Ёниб адо бўлмоқ унинг сўнгги шеваси,
Улоқтиргил гулханга-да, айтгил алвидо.

ЖАЛОЛИДДИН

(Ўтинни авайлаб ерга қўяди)
Безавол яшагай, дилда умид дарахти,
Япроқлари унинг кўркам, ям-яшил эрур.
Илдизлари пайванд юрак томирларига,
Шоҳалари сарин елда турар шовуллаб,
Ундан униб чиқар минг-минг кўчатлар ҳали,
Пайдо бўлар ер юзида сонсиз ўрмонлар.
Қуридим деб нола чекманг, ўксинманг, ота.

ХОРАЗМШОҲ
(руҳияти кўтарилиб)

Шу бир оғиз сўзинг дармон бўлди танимга,
Яна равшан тортди сўнаётган кўзларим.
Шукур, белга қувват бўлар ўғлим борига,
Сўзларимга қулоқ солгил, энди, жон болам.
(султонлик камарини қўлига олади)
Далда берсин юрагингга шоҳлик камари,
Султон энди меннмас, сенсан, белингга бойла.

ЖАЛОЛИДДИН

Йўқ ,отажон, шоҳлик менга даркор эмасдур,
Шоҳ ўзингиз, гар салтанат, тож-тахт абасдур.
Менга қилич-қалқон бўлса, от бўлса, басдур!

ХОРАЗМШОҲ

Чин ўғилсен, хатоимни тузатгил ўзинг,
Пароканда бўлган элни, қўшинни эт жам.
Кўрсинки халқ, салтанатнинг султони бордур,
Кўрсинки эл, барқарордур туғи ўлканинг.
Хоразмшоҳ ўлган билан ўғли ҳаётдур.
(Шоҳлик камарини Жалолиддиннинг белига боғлаб қўяди)
Қутлуғ бўлғай!

ШАҲОБИДДИН ва ҚАВОМИДДИН

Қутлуғ бўлғай, муборак бўлғай!

ЖАЛОЛИДДИН
(ўз-ўзига)

Бу не шоҳлик, на тахти, на салтанати бор.
Бу не шоҳлик, ёғий пойи остида диёр.
Топталса-ю, оёқ-қўли занжирбанд бўлса.
Усти юпун, қорни очу йўли тўсилса,
О, мунчалар кўп бўлмаса, фалак, ўйнинг!!

ХОРАЗМШОҲ

Хаёлингда кечаётган туғёнларни бос,
Бевош ўйлар оёғига ура бил тушов.
Афсуски, мен ҳаёт отлиг асов тулпорнинг
Жиловини қариганда тута билмадим.
Адаштирди йўлдан мени Чингизнинг макри,
Тушганимни билмай қолдим унинг домига.
Ҳаммасига сабаб бўлди бир машъум мактуб.

(йўтал азоб беради)

Хат ногаҳон тушиб қолди менинг қўлимга,
Ўқиб ҳушдан айри тушдим яшин ургандек.
Чингизхонга битилган бу мактуб остига
Имзо чеккан экан менинг вазир-вузорам,
Энг ишонган саркардаю бош аёнларим.
Улар юртни Чингизхонга инъом айлашиб,
Мунтазирлик ила уни кутганларини
Ўқидиму, карвонидан адашиб қолган
Ёлғиз одам кўнг тушиб бирдан бошимга,
Элни ташлаб чиқиб кетдим, йўқ, қочиб кетдим.
Кейин билсам соҳта экан у лаънати хат,
Ёзган экан уни Чингиз айғоқчилари.
Мен алландим, ҳа, алданиб қолдим Чингиздан,
Аммо энди сен алданма, алдана кўрма.

(сукут)

Ибн Умар тирик эрса ҳурматимни тут,
У боғоят имонли ва улуғ аллома.
Онангни ва болаларни эҳтиёт айла,
Кенжа уканг Камронни қилгил тарбият.
Ёш эрса ҳам катталардек зийракдур лекин

(ҳолдан тояди)

Бақосиз деб султонликни айламагил рад,
Бир кўл керак юртга ҳозир қувватли, дадил,
У сендурсан, отанг сўзин ерда қолдирма!

ЖАЛОЛИДДИН
(уни юпатиб)

Майли, ота мен розимен, сизнингча бўлсин,
Энди менинг сўровимни айлангиз бажо.
Олиб кетай сизни бундан, ёнимда бўлинг.

ХОРАЗМШОҲ
(кўзига ёш олиб)

Мен кўп узоқ йўл юрдим: тоҳ отда, тоҳ яёв,
Сўқмоқларда оёғимни тилди тиканлар.
Изғиринда совуқ ялаб кетди юзимни,
Саратонда баданимни куйдириб кўйдим.
Таъқиб этиб келди йўлда доим оч бўри,
Юрсам юрди, турсам турди тишин кўрсатиб.
Кўп заҳматлар ила келдим сўнгги манзилга,
Мен йўлимин юриб бўлган бебахт одаммен,
Менинг гўрим шу оролдур, шу бегона қум.

(Шаҳобиддин йиғисини яшира олмайди)

Сендан, ўғлим, илтимосим шуки, юзма-юз
Туриб олиш Чингиз ила, ул маҳлуқ ила.
Кўрсин, кўриб қўйсин бордур менда ҳам ўғил!
Энди боргил, мен розимен, сен-да рози бўл!
(Гулдирак гулдирайди, чақмоқ чақади)
Хайр, ўғлим, алвидо!

ЖАЛОЛИДДИН

Хайр, хайр, отажон!

Кетади. Отнинг жаҳл билан кишнагани эшитилади. Қоронғилик чўкади. Шаҳобиддин шамни ёқиб қўяди. Бўри увиллайди.

1. Ота-бола — бу ерда Жалолиддин билан унинг отаси Муҳаммад Хоразмшоҳ учрашуви тасвирланаётир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯСИ ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон ССР Конституциявий комиссияси Ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлди, унда жумҳурият янги Асосий Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишга доир ишларнинг дастлабки босқичи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари — Ўзбекистон ССР прокурори Б. М. Мустафоев, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов, Х. С. Сулаймонова номли Суд экспертизаси илмий тадқиқот илмгоҳининг директори, ҳуқуқ фанлари доктори Б. И. Пинхасов, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси, ҳуқуқ фанлари доктори Х. Р. Раҳмонқулов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг директори, ҳуқуқ фанлари доктори А. Х. Саидов, Ўзбекистон ССР адлия вазири М.-Б. М. Маликов Ишчи гуруҳи аъзоларига тегишли кичик гуруҳларда ишлаб чиқилаётган Конституция лойиҳаси кириш қисми ва бўлимларининг асосий йўналишлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Лойиҳада Ўзбекистон ССР Мустақиллиги тўғрисидаги декларация, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, ҳар бир демократик ҳуқуқий давлат мулки бўлган бошқа қадриятларга асосланган меъёрлар тўла акс этиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Мажлисда лойиҳани тайёрлаш юзасидан тағин ҳам чуқурроқ ва фаолроқ иш олиб боришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ҳамда навбатдаги мажлисда муҳокама қилиш мўлжалланган масалалар белгиланди.

Ишчи гуруҳининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти аппарати ҳуқуқий бўлими шўъбасининг мудири Х. Т. Одилқориев мажлис қатнашчиларига «Иттифоқдош жумҳуриятнинг мустақиллиги ва Конституцияси» муаммоси юзасидан 14-18 май кунлари Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳақида сўзлаб берди

ТАМАРАХОНИМ:

ҚАЛБИМДА ДОИМО БАҲОР

◆ Айтишларича, аёлнинг кўринишига қараб, унинг ёшини белгилашади. СССР халқ артисткаси Тамара Артемовна Петросян, жаҳонга Тамарахоним номи билан машҳур бўлган санъаткор ўз ёшини яширимайди. У умрининг саксон бешинчи баҳорини кутиб олди. СССР халқлари дўстлиги саройида ўтказилган тантанали кеча ажойиб санъаткорни шарафлашга бағишланди.

Тамарахонимни бутун ҳаёти мобайнида нималарга қиёслашмади: «Шарқнинг илк қалдирғочи», «Шарқ рақс санъатининг дурдонаси», «Саҳнамизнинг сеҳргари», «Рақс қироличаси» каби ўхшатишлар фикримизга мисол бўла олади. Бу ўхшатишларнинг ҳаммаси санъаткор истеъдодининг қирралари, маҳоратини у ёки бу даражада ифодалайди. Асли арман қизи, туғилиши биланоқ ўзбек халқи тили, анъаналари ва маданиятини қонига сингдирган бу ажойиб аёлнинг номини бутун жаҳон билади. Унинг қўшиқлари барча қитъаларнинг эстрада саҳналарида янграган. Унинг ажойиб рақсларига миллион-миллион томошабинлар мафтун бўлишган.

Тамархоним 1925 йилда бутун Парижни мафтун этиб, ўзбек рақс санъатини дунёга танитди. Айседора Думкан, Антонина Нежданова, Владимир Маяковский, Константин Станиславский, Владимир Немирович Данченко, Сергей Раҳманинов, Федор Шаляпин, Алексей Толстой, Юрий Олеша, Раж Капур, Чарли Чаплин, Ольга Книппер-Чехова, Арам Хачатурян, Дмитрий Шостакович каби алломалар унинг рақсларини кўриб ҳайратга тушишган. Санъаткор Фарғона канали қурилаётган йилларда ўз рақслари билан қурувчиларни илҳомлантирди. Оғир уруш йилларида фронт агитбригадаларига қўшилиб жанггоҳларга борди, ўзининг ҳаётбахш санъати билан жангчиларнинг руҳини кўтарди. Тамарахоним ҳақидаги фильмда унинг ижодий таржимаи ҳоли саҳифалари акс этган. Тантанали кеча ҳам фильмдаги ҳужжатли воқеалар билан бошланди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов ажойиб артистканинг санъатига юқори баҳо берди. Унинг Тамарахонимга йўллаган табрикномасини жумҳурият маданият вазири Н. Ё. Ғойибов ўқиб берди.

Саройга йиғилган кўпдан-кўп меҳмонлар орасида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов, маданият ва санъат арбоблари, Тошкент жамоатчилигининг вакиллари, санъаткорнинг қариндошуруғлари ва ёр-биродарлари бор эди.

Тамарахоним саҳна чеккасидаги ўриндиқда оппоқ либосга бурканиб, байрам табрикларидан бироз тортиниб, камтарона ўтирарди. Уни гулларга кўмиб ташлашди, санъаткор миннатдорчилик билдириш учун енгилгина таъзим қилиб, қўлини кўксига қўйишгагина улгурарди. Рақс ва қўшиқлар гулдастаси совға концертининг асосини ташкил этди.

Москвалик артистка Клара Новикова юбилярга мурожаат этиб, уни артистлар янги авлодининг вакиллари тенглашишга ҳаракат қилаётган афсонавий раққоса деб атади. Саҳнага Зебо Ганиева номидаги фронт бригадалари дастаси чиққанида Тамарахоним ўзини тутиб тура олмади — у ҳам дугоналарига қўшилиб рақсга тушди, лапарлар айтди.

Тамарахоним ўз хонадони ёнида ажойиб музей ташкил этди. Пабло Пикассо уни «Авлодларга намуна бўладиган санъаткор», деб номлаган эди. Ҳақиқатан ҳам актрисанинг ҳаёти ўз иши ва бурчига садоқат, ҳаётни яхши кўриш намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Ушбу тарихий сурат 1939 йилда Кремлда олинган. Ушанда М. И. Калинин Катта Фарғона канали қурилишида фаол қатнашганлиги учун Тамарахонимга Ҳурмат Белгиси ордени топширган эди. Сиз уни ана шу унутилмас дақиқаларда Бутуниттифоқ оқсоқоли ва санъаткор дўстлари билан кўриб турибсиз.

Чапдан ўнгга: найчи Санджон Калонов, роялчи Софья Каракаш, Михаил Иванович Калинин, Тамарахоним, жумҳурият Маданият вазирлиги санъат бошқармасининг бошлиғи Воҳид Зоҳидов, юқорида: ғижжакчи Мамадазиз Ниёзов, доирачи Ғафур Солиҳов.

Суратни К. РОМЕЕВ қайта туширган.

МАКТАБ ОЛДИДАГИ ҲАЙКАЛ

Елена Стемпковская урушдан олдин ўқишни битирган мактабига ўқитувчи бўлиб қайтиб келмоқчи эди. Лекин уруш бошланиб қолди. Лена ҳам миллионлаб кўнгиллилар қатори фронтга жўнаб кетди. Улимидан сўнг унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Унинг номини Мирзачўлда яхши билишади. Гулистондаги пионерлар уйига, кўпгина кўчаларга қаҳрамоннинг номи берилган.

«Бойвут» давлат хўжалигидаги Е. Стемпковская номли 13-мактабни битириб чиққан ёшлар ўз маблағларидан унга ҳайкал буюришди. Мактаб биноси олдига ўрнатилган ҳайкални очиш маросимида кўп кишилик митинг бўлди.

(ЎзТАГ).

• Спорт •

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари бошланмоқда. Маълумки, болаларнинг ёз ойларида мириқиб дам олишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун етарли шарт-шароит керак. Айниқса, жисмоний тарбия билан шуғулланиш, катта-кичик мусобақаларда қатнашиш болаларни бақувват бўлиб ўсишида муҳим омил саналади.

Жойларда ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш учун қулай шароитлар яратиш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

● Чунончи, Бухоро вилоятида ўзига хос хайрли ишларга қўл урилди. Ромитан район марказидаги ажойиб ороmгоҳ болалар ихтиёрига бериладиган бўлди. Демак «Дўстлик» пионер лагери ёз бўйи гавжумлашади. Бу ерда футбол ўйнаш, енгил атлетика билан шуғулланиш ва шахмат баҳсларида иштирок этиш учун имконият бор. Умуман таътил кунлари вилоят бўйича қарийб 65 минг болани лагерларда дам олишга жалб этиш кўзда тутилган.

● Фарғона азот ўғитлари заводи жамоаси ҳам кашшофларга қулай шароитлар яратмоқда. Хашар йўли билан пионер лагери мавсумга ҳозирлаб қўйилди. Спорт анжомлари ва майдончаларини созлаш учун қарийб 20 минг сўм маблағ ажратилди. Болалар волейбол, теннис, сузиш, шахмат ва миллий кураш билан шуғулланишларига имконият бўлади.

● Бухоро вилояти касаба союзлари кўнгилли спорт жамиятига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ёшлари учун ҳамма шароитлар етарли. Спорт мактабини зарур спорт анжомлари билан таъминлаш борасида ҳомийлик қилаётган ташкилотлар моддий ёрдам кўрсатмоқда.

● Самарқанддаги олимпиада ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси эса лагерларга бора олмай қолган болаларга шароит яратиш ҳақида қайғурди. Улар мактаб ҳовлиси ва ер тўлалардан фойдаланишди. Таъмирланган жойлар спорт анжомлари билан жиҳозланди. Бу ерларда пулли хизмат йўлга қўйилган бўлса-да, болаларни жисмоний тарбияга кўпроқ жалб этиш учун шароит яратилди. Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтиши учун зарур имкониятлар яратишга ҳаракат қилинмоқда.

СПОРТЛОТО

● **21-ТИРАЖ ўйинлари: «45 дан 6». 8, 9, 25, 26, 29, 42. «36 дан 5». 6, 9, 15, 34, 36.**

СПОРТПРОГНОЗ

● **21-ТИРАЖ натижалари: 1—1, 2—Х, 3—1, 4—1, 5—1, 6—1, 7—1, 8—1, 9—2, 10—1, 11—1, 12—Х, 13—1.**

Эслатма: биринчи рақам жамоалар жуфтлиги, иккинчиси, учрашувлар натижаси.

• Фарзанд мактуби

АРМОН

Дадам 50-йилларнинг ўрталарида маориф соҳасига ишга ўтиб, то пенсияга чиққунга қадар ўқитувчилик қилдилар. Ҳар гал Самарқандга отам ҳузурига борганимда «Сиз ҳам шунча хизмат қилгансиз, район катталарига бориб, четга бўлмаса ҳам ўзимизнинг Тошкентдаги «Чинобод» санаториясига йўлланма сўранг. Дам олиб, даволаниб келасиз», дердим. Хизматимни миннат қилиб бораманми, дердилар. Охири ўтган йили менинг сўзимдан ўтолмай боридилар. Шунда ҳам райком ёки райижроқўмга эмас, райсобесга. У ерда: «сизга ҳозир йўлланмани қаердан топамиз?» деб жеркиб, қайтариб юборишибди.

Шундан сўнг дадам бутунлай ётиб қолдилар. Гавдаси тобора тўшакка чўкиб бораверди. Ҳадемай ўринга михланиб, «йўлланма» ҳам керак бўлмай қолди. Дадам шифтга тикилганча жим ётар, фақат неваралари билангина овунадиган бўлиб қолгандилар. Шундай кунларнинг бирида уларга райкомдан келиб «КПСС сафида 50 йил» нишонини ташлаб кетишибди. Шанба куни кечқурун кириб бордим. Ўша нишонни менга узатдилар. Кайфиятлари тушкун эди. Ўзларига-ўзлари гапираётгандай сўзлаб қолдилар:

— Юриб турганимда уйимдан одам узилмасди. Райком ҳам, ижроқўм ҳам маслаҳат сўраб келарди. Элпак қишлоғининг одамлари билан қандай ишлаш керак, боғзағонликлар қандай одамлар, ўртақишлоқликлар кимнинг гапига киришади, деб. Бу ишни қандай қилиш керак, манави масалада фикрингизни айтсангиз, деб... Энди битта йўлланмага ҳам сўзим ўтмади.

Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди. Бир нарса деёлмадим, отамни овутолмадим...

Олдин бой хизматини қилган, сўнг совет ҳокимияти учун курашган, ярим аср КПССга беминнат хизмат қилган дадам — Сааддин Хўжаев сафдарлик туфайли Каттақўрғон, Булунғур, Термиз ва Самарқандда фаол ишлаган. 1940 йили партия сафига қабул қилинган. Сўнг партия ишига ўтади, 1942-1946 йилларда Қизил Армия жангчиси, сўнг яна партия ходими, колхоз парткоми котиби, кейин эса мактаб директори вазифаларида ишлади. Бу йилларда дадам отдаю пиёда кезган йўлларини тасаввур қилиш қийин. Ёрдамини, билганларини бировдан аямас эдилар.

Қарийб бутун меҳнат фаолиятининг жонли гувоҳи бўлсамда, дадамни армони йўқ киши, деб ҳисоблардим. Бирон марта армон қилганларини ёки нолишини эшитмагандим. Ахир, у бутун умрини ўзлари истагандай яшаган, ўғил-қизларини ўзи истагандай, вояга етказган, эл-юртда иззат-обрўга эга киши эди. Бироқ, отамизни ерга топширганимиздан бери (бунга бир йил бўлди) умрининг сўнгги кунларида дадам бизга бир оғиз бир нарса демаган бўлсаларда, юрагини озгина армон тирнагандай — шу армонни ўзи билан тупроққа олиб кетгандай туюлаверади менга. Бу гапларни эслашдан мақсадим падари бузрукворимни ёдга олиб, руҳларини шод этиш ҳамда дилимдаги ўз армонимни ҳам айтишдир. Токи, ҳали отаси тирик фарзандлар турли ташкилотлару аллақандай шахсларга ишониб, падари бузрукворларига ўз вақтида, тириклигида ғамхўрлик қилолмай, кўмак беролмай, ғафлатда қолишмасин...

В. ХУЖАЕВА,
ҳамшира.

Буюк ипак йўли—мулоқот йўли

◆ «Амир Темур» кўп серияли бадиий фильмига ҳайрихоҳлик

◆ Қўқон арава — Осакада.

ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилаётган «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро экспедицияси қатнашчилари Қозоғистондаги Туркистон шаҳрига жўнаб кетди.

Халқаро экспедиция Тошкентда йўлга чиқишидан олдин Ўзбекистон телевидениесида матбуот ходимлари учун конференция ўтказилди. Унда мазкур катта сафарнинг олдида турган вазифалар, ўтказилаётган илмий мунозаралар, кўпгина тарихий обидалар ва шаҳарларнинг бунёдга келиши ҳақида фикрлар билдирилди. Мухбирларнинг шу кунларда Тошкентда «Самарқандфильм» киностудияси ташкил этилиб, унда Италия киночилари билан ҳамкорликда «Амир Темур» кўп серияли бадиий фильми суратга олинаётганлиги ва шу муносабат билан бу жиддий кино асарига ЮНЕСКО раҳнамолик қилиши мумкинми, деб берилган саволига муносиб жавоб олинди. Покистонлик олим, ЮНЕСКОнинг халқаро экспедиция бўйича илмий раҳбари Аҳмад Ҳасан Даний бу бўлажак фильм ҳақидаги маълумотни мамнунлик билан эътироф этди ва агарда ижодкорлар томони лозим топса, ЮНЕСКО бу фильмнинг яратилишига яқиндан ҳомийлик кўрсатиши ва амалий ёрдам қўлини узатишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Матбуот конференциясида маълум қилинган яна бир янгилик ғоятда таҳсинга лойиқдир. Халқаро ташкилот ва Совет Иттифоқи олимларининг ташаббуси билан тарихий Буюк ипак йўлининг барча саҳифаларини атрофлича ва мукаммал ўрганиш, бу соҳада турли мамлакатларда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини бир мақсадга йўналтириш ва ёш олимларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Самарқанд шаҳрида махсус илмий-тадқиқот институти очилажаги маълум қилинди.

Буюк ипак йўли экспедициясида фаоллик кўрсатган чет эллик олимлардан бири Японияннинг Сока дорилфунунидан келган профессор Като Кюдзадир. Нуроний ёшта борган бу олимнинг ҳаёт йўли машаққатлар билан ўтган. У иккинчи жаҳон урушининг қатнашчисидир. Като Ўзбекистонда жуда кўп марта бўлган. Сока дорилфунуни ва Тошкент санъатшунослик институти олимлари билан ҳамкорликда Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа манзилида қадимий Будда обидаларини археологик жиҳатдан ўрганиш борасида олиб борилаётган илмий ишларда бу киши кўп жонбозлик кўрсатяпти. Катонинг яна бир донишмандлик фазилати кишини қувонтиради. У Осака шаҳрида узоқ йиллардан буён ишлаб турган жаҳон халқлари этнографияси музейига Ўзбекистондан ноёб буюмларни ва ашёларни етказиб беришда ташаббускордир. Като Кюдза мен билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Иккинчи жаҳон урушида Япония армияси Совет Иттифоқига ҳужум қилганда мен оддий бир аскар эдим. Ўшанда асирликка тушиб қолганман. Сибирь қамоқхоналарида беш йил давомида сақландим. Мен рус тилини асосан ўша ерда ўргандим. Ҳаёт машаққатлари ҳаммаси менинг дорилфунунларимдир. Мен ўша оғир кунларда жаҳон мутафаккирларининг асарлари билан танишдим ва шундан кейин узоқ эллардаги халқларнинг тарихи, археологияси ва урф-одатларини ўрганишга жазм этдим.

— **Муҳтарам Като, сиз Осака шаҳридаги ўша музейга олиб борган буюмларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— У музейда ўзбек халқининг турмуш маданиятини акс эттирувчи жуда кўп ашёлар тўпланган. Чақалоқ боқиб катта қилинадиган ва миллий безатилган бешик, ўзбек хонадонларида ишлатиладиган ҳар хил ҳажмдаги қозонлар, идиш-товоқлар ва кийиладиган либосларгача бор. Сизни албатта у ерга олиб борилган Қўқон арава ҳам қизиқтиряпти. Мен уни Қўқон шаҳрида оддий бир кишидан 400 сўм пулга сотиб олдим. Аравани Японияга олиб бориш жуда ҳам азоб эди. Ҳамма уни бўлаклаш ва яшикларга солиш керак, деди. Мен бунга кўнмадим. Аравани бутунлайича устидан ғилофладик. Бу ишда Мухтор Ашрафийнинг ўғли Феруз ўзбек йигитлари билан ҳамкорликда яқиндан ёрдам берди. Жуда кўп мато кетди. Биз уни бутунлайича самолёт юкхонасига амаллаб жойладик. Бу меҳнат Москвада ҳам такрорланди ва ниҳоят Осакага етиб борди. Ҳеч ким эҳтиёж сезмаётган оддий Қўқон араваси ҳозирда Осака музейида ноёб экспонат бўлиб турибди.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЯХШИ НИЯТ

ЖАНГЧИЛАРГА ЁДГОРЛИК

◆ Жиззахнинг Ульянов шаҳридаги Абдулла Қодирий номли мактабда Улуғ Ватан урушидан қайтмаган 39 нафар жангчи йигит хотирасига ёдгорлик тикланди.

Ёдгорлик шаҳарнинг тўнғич илм даргоҳини бундан 20 йил муқаддам тамомлаган битирувчиларнинг ташаббуси маҳсулидир. Барча сарф-харажатларни ўз зиммаларига олган 80 нафар синфдошлар ҳаракатига Зомин район партия қўмитасининг иккинчи котиби бўлиб ишлаётган Ғайрат Юсупов раҳбарлик қилди.

Мактаб жамоаси ёдгорлик атрофини кўкаламзорлаштириш, унинг ёнида жангчилар хотирасига атаб боғ барпо этишга қарор қилди.

Б. САТТОРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991—1992 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: даволаш ва стоматология.
КЕЧКИ БЎЛИМГА: даволаш.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан ихтисосга оид имтиҳон топширадилар:

Кимё (ёзма), **биология** (ёзма), **ўзбек** ёки **рус тилидан** (диктант).

Мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаганлар кимёдан ёзма имтиҳон топширадилар. Битта имтиҳонни «аъло»га топширган абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод қилинади, агар шу имтиҳонни «аъло»дан бошқа ижобий баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади.

Ўрта таълим негизидаги ҳунар-техника билим юртини «аъло» диплом билан битирган шахслар ўзлари эгаллаган соҳа ихтисослигига кираётган ҳолда мазкур тартибга амал қилинади.

Кечки бўлимга ўрта тиббий махсус маълумотга эга бўлган, мутахассислиги бўйича камида бир йил ишлаб, Тошкент шаҳрида доимий яшаб турган фуқаролар қабул қилинади.

Кундузги бўлимга аризалар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1991 йил 16 июлдан 31 июлгача ўтказилади.

Кечки бўлимга аризалар 16 июлдан 5 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари эса 6 августдан 15 августгача бўлади.

Олий ўқув юртига кирувчилар ариза билан бирга ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусха), 086/У намунадаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат топширадилар. Кечки бўлимга кирувчилар аризага қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома топширадилар.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 103-уй, қабул комиссияси.

АГАР СИЗ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ЎЗ ИШИНГИЗНИ БОШЛАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ,

«ИҚТИСОДЧИ» КИЧИК ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

сизга таклиф этаётган «Кичик корхона ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисидаги амалий қўлланма» ва «Ишбилармон кишилар учун бозор иқтисодига оид луғат»исиз ишингиз битмайди.

Қўлланма ўзбек ва рус тилларида тузилган. Ташкилотлар учун қўлланманинг нархи 98 сўм, нақд пулга олувчилар учун 68 сўм.

Манзилгоҳимиз: Самарқанд шаҳри, Саноат қурилиш банки, МФО 733300 ҳисоб счёти 000609207 га ёки аниқ реквизитларни кўрсатган ҳолдаги талабномани қуйидаги манзилгоҳга юборинг: 703047, Самарқанд шаҳри, 14-абонент қутиси.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ТИЛШУНОСЛИК ИЛМГОҲИ

ҳозирги ўзбек тили бўлимининг муҳандис лингвистика ихтисоси бўйича катта илмий ходим бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда филология фанлари доктори ёки номзоди илмий даражасига эга бўлган етакчи олимлар иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри 170, И. Мўминов кўчаси, 9-уй. Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Тилшунослик илмгоҳи илмий котиби.

Телефон 62-43-67.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

ДИҚҚАТ!

1990 ИИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯЛАРИ ВА ЕШЛАР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯЛАРИНИНГ ЮТУҚ ЧИҚҚАН БИЛЕТ ЭГАЛАРИ!

Чакана нархлар ислоҳотини назарда тутган ҳолда, Сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қилиш мақсадида, барча буюм ютуқлари Сизга нархлар орасидаги тафовутсиз ва савдодан олинадиган 5 фоизли солиқсиз берилади.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН ҚОПЛАНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМА БАНКИ

В. Д. ЖУРИН НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИЛМГОҲИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудири: сув хўжалиги;

катта илмий ходимлар: бетон ва темир-бетон бўлими, назорат-ўлчов асбоблари лабораторияси, автоматлаштирилган бошқарув системалари бўлими;

етакчи илмий ходим: гидромелиоратив системалардан фойдаланиш технологияси лабораторияси;

лаборатория мудири: гидромелиоратив системалар.

ТАНЛОВ МУДДАТИ — 5 ИЮНГАЧА.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700187, Тошкент шаҳри, 4-Қорасув даҳаси, 11-уй.

«Саодат» ойномаси жамоаси ойнома бош муҳаррир ўринбосари Е. Хўжамбердиевга акаси

Абдуқодир ХУЖАМБЕРДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат дорилфунуни ўзбек филологияси факультети жамоаси факультетнинг нафақадаги доценти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ҳамда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби

Субутой ДОЛИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректорати, партия ва маҳаллий уюшмаси ташкилотлари «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Т. Х. Тўраевга ўғли

РАВШАНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 102. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12